

МУСТАҚИЛЛИК

# ХУҚУҚ

ДЕМАҚДИР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ПРОКУРАТУРАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

## АҚШ ДАВЛАТ КОТИБИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Шу кунларда мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган АҚШ Давлат котиби Мадлен Олбрайт 16 апрель куни Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов билан учрашди. Суҳбат чоғида икки мамлакат ўртасидаги узоқ муддатли сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилиниб, минтақавий ва халқаро миёқсда хавфсизликни таъминлаш, барқарорликни сақлаш муаммолари борасида фикр алмашилди.

иқтисодиёти ва дипломатия университети талабалари ва ўқитувчилари хузурида маъруза қилди. Мадлен Олбрайт ўз маърузасида Ўзбекистон - АҚШ муносабатлари, АҚШнинг Марказий Осиё мамлакатларига нисбатан юритаётган сиёсати ҳамда дунёвий ва минтақавий хавфсизлик муаммолари ҳақида ўз фикрларини баён этди.

АҚШ Давлат котиби минтақада тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш борасида Ўзбекистон раҳбарияти юритаётган сиёсатга юқори баҳо берди.

АҚШ Давлат котиби Тошкентдаги Жаҳон

(ЎЗА)

## ТАЙИНЛОВ

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг буйруғи билан Абдукаримов Юсуп Усанович Фарғона вилоят прокурори этиб тайинланди.



Юсуп Абдукаримов 1958 йил Сирдарё вилоят Гулистон туманида туғилган. Миллати ўзбек. Маълумоти олий - ҳуқуқшунос. Меҳнат фаолиятини жамоа хўжалиги аъзолигидан бошлаган. 1976-1984 йилларда туман судининг котиби ва суд ижрочиси бўлиб ишлаган. 1984 йилдан прокуратура тизимига ишга ўтиб, шаҳар прокурорининг ёрдамчиси, терговчи, вилоят прокуратура-

сининг катта терговчиси, шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси, вилоят прокурорининг вояга етмаганлар ҳақидаги қонунларни ижро этиш устидан назорат қилиш бўйича ёрдамчиси вазифаларида ишлаган. 1990-1993 йилларда вилоят адлия бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари, туман судининг судьяси, Сирдарё вилоят ҳокимлигининг давлат ва ҳуқуқ бўлимини бошқарган. 1993 йилдан яна прокуратура тизимига қайтиб, туман прокурори, вилоят прокуратурасининг бўлим бошлиғи, Бухоро вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари бўлиб ишлаган.



ЛАЙЛАКЛАР — ҚУТ - БАРАКА ЭЛЧИЛАРИ

### Ушбу сонда

ОҚ ВА ҚОРА	ҲУҚМ БЕКОР ҚИЛИНДИ	САХОВАТЛИ «ОЙНУР»
Тиб қасамини ича туриб, оқ либосга қора доғ туширмасликка сўз берган ана шу соҳа вакиллари ўртасида ҳам попок кимсалар учраб туриши кўнгилни огритгади	Суд маҳқумга нисбатан дастлабки тергов томонидан эълон қилинган ЖКнинг 205-моддаси 2-қисми «в» бандини асосиз равишда айбловдан чиқарган. Ҳуққда баён қилинган хулосалар ҳам иш ҳолатига тўғри келмасди.	Савоб ишни ҳар қилди керак, ҳар кун қилиш керак. Мазкур ибора бамисоли «Ойнур» аъзолари учун айтилгандай. Бирор байрам йўқки, улар кам таъминланган ёрдамга муҳтож оилаларга саховат кўрсатмаган бўлса.
2-БЕТ	4-БЕТ	7-БЕТ

### ФАРМОН ВА ИЖРО

## ТАДБИРКОР МАНФААТИ — ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

«Шуни таъкидлашимиз керакки, кичик ва хусусий бизнесни ривожлантиришда бир қатор тўсиқларга дуч келинмоқда. Одамларда тadbirkorлик билан шугулланиш иштиёқи сўнишига аввало маъмурий рўқет, текширув ва назорат қилувчи органларнинг тўзмағирлиги, порахўрлиги, ишбилармонларни устидан жинорий иш кўзгатаман, деб қўрқитиши, зўравонлик қилиши асосий сабаб бўлмоқда».

Ислом КАРИМОВ

(Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил январь ва 2000 йил вазифаларига бағишланган мажлисидаги маърузасидан).

Ватанимиз мустақилликка эришганидан сўнг тadbirkorлик ва ишбилармонликка, умуман, эркин иқтисодий фаолиятга кенг йўл очиб берилди. Бугунги кунда турли шаклдаги фаолият тузилмаларини ташкил этиб, тadbirkorлик билан шугулланаётган, ҳам ўзига, ҳам элу юртга фойда келтираётган юртдошларимиз қанчадан-қанча. Ҳалол, қонуний асосда ишлаётган бундай тadbirkorлар сони қанчалик кўпайса, юртимиз иқтисодиёти шунчалик юксалиши табиий.

Аммо тан олиш керакки, улар фаолиятининг ривожини кўп жиҳатдан назорат идораларининг қўллаб-қувватлашига боғлиқ. Минг афсуски, баъзан бунинг акси содир бўлмоқда. Назорат идоралари тadbirkorларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясисиз бўлиш ўрнига, аксинча улар фаолиятига тўсқинлик қилишмоқда. Турли ноқонуний, пала-партиш текширишлар, биринчидан, тadbirkorнинг ишига ҳалақит бераётган бўлса, иккинчидан ҳуқуқни муҳофаза этувчи, шунингдек назорат идораларига нисбатан ишончини йўқотмоқда.

Шу ўринда айрим мисолларни келтириб ўтамиз. Оҳангарон тумани Давлат солиқ инспекциясининг бошлиғи лавозимида ишлаб келган Салимжон Жўраев ўтган йилнинг 28 январь куни шу туманда фаолият олиб бораётган «И.Анарбаев» номи дехқон-фермер хўжалиғи бошлиғи И.Анарбаевдан 30 минг сўм пора олаётганида қўлга туширилган. С.Жўраев И.Анарбаевнинг инспекция томонидан ўтказилган текширув натижасига кўра жавобгарлик билан қўрқитган. Ваҳоланки, тўпланган ҳужжатлар туман прокуратурасида кўрилиб, жиноят аломатлари йўқлиги сабабли туман ДСига қайтариб юборилган. Эндиликда С.Жўраев ўз қилмиши жабрини 7 йиллик қамоқ жазоси билан тортадиган бўлди. Яна бир мисол. Тошкент вилоят ДСининг катта нозир Алминов Фаттоҳ 1999 йил 2 февраль куни Янгийўл шаҳрида жойлашган «Қаҳрамон-ЛТД» жамияти раҳбари К.Жўраевдан текширув ҳужжатларида камчиликларни акс эттирмаслик эвазига 300 АҚШ доллари миқдоринда пора олаётган пайтда қўлга туширилган. Ўз нафсининг қурбони Ф.Алимовга нисбатан жинорий иш кўзгатилиб, 5 йилга озодликдан маҳрум этилди.

Олмалик шаҳар ДСИда нозир бўлиб ишлаган Луқмон Ҳайдаркуловнинг ҳаракати ҳам ҳамкасблариникига ўхшаш. Унинг учун ҳам шахсий манфаат олдида виждон, инсоф ва диёнат деган муқаддас туйғулар бир пул. У «Сувокова» ишлаб чиқариш бошқармаси участка бўлими бошлиғи П.Сайдуллаевнинг фаолиятини текширмаслик эвазига 10 минг сўм олаётган пайтда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимлари томонидан ушланган.

Бундай мисолларни яна келтиришимиз мумкин. Тошкент вилояти бўйича ўтган йилда солиқ идоралари ходимларига нисбатан 8 та жиноят иши кўзгатилинган. Мана шу фактнинг ўзиёқ тизимда тартиб ўрнатиш учун жиддий чоралар қўриш пайти келганлигини кўрсатади.

Маълумки, бундан 2 йил бурун қабул қилинган «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги Қонун ҳамда «Хўжалик юритувчи субъектларни текширишни ташкил қилишни тартибга солиш тўғрисида»ги Фармонга кўра, мулкчилик шаклидан қатъий назар, хўжалик юритувчи тadbirkorлик тизилмалари фаолиятини текширишни тартибга солиш, текширишлар сонини камайтириш, турли назорат идоралари томонидан уларнинг хўжалик фаолиятига иқтисодий зарар етказувчи асосиз аралашувага йўл қўймаслик ҳақида қатъий талаб қўйилган. Бу талабларни бажаришга барчамиз бирдек масъулмиз.

Ботир ПУЛАТОВ,

Тошкент вилояти прокурори катта ёрдамчиси

«ХУКУК»

юридик газета

Таъсисчилар:

Ўзбекистон Республикаси прокуратураси, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти прокуратуралари, «Қонун ҳимоясида» журнали

Бош муҳаррир:

А.АБДУРАЗЗОҚОВ

Таҳрир ҳайъати:

Мэлс Наимов, Ботир Пулатов, Бахтиёр Назаров (Бош муҳаррир ўринбосари), Дилшод Исмолов (масъул котиб), Лола Шомуродова, Зайниддин Мамадалиев

Газета Давлат матбуот қўмитасида №00150 рақам билан рўйхатга олинган Нашр кўрсаткичи — 231, 232

Манзил: Тошкент шаҳри, академик Яхё Фуломов кўчаси, 66-ўй. Телефонлар: 77-72-25, 133-82-34

Таҳририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилимайди. Муаллифларнинг фикрлари таҳририят фикридан фарқланиши мумкин. Газетада босилган факт ва далиллар учун муаллиф масъул. Нашримиздан кўчириб босилганда «Хуқуқ»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт. Тижорат аҳамиятига молик материаллар \*\* белгиси остида чоп этилади.

Газета андозаси таҳририят компьютер марказида Pentium-II MMX - 333 компьютерида саҳифаланган.

Саҳифалаш ва дизайн ишларини Б.Саидов бажарган.

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонасида офсет усулида А-3 форматда чоп этилган. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

Буюртма Г-232 Нусхаси — 18729

Босмахонага топшириш вақти 20.00 Босмахонага топширилди 19.00

Газета ҳафтанинг chorshanba кунлари чиқади

Навбатчи Н.МАХМУДОВ

Сотувда эркин нархда

1 2 3 4 5 6 7 8

ТАДБИРКОРЛИКНИ ЎРГАНАМИЗ

Қишлоқ хўжалиги соҳасида ислохотларни жаддаллаштирмай туриб мамлакат иқтисодиётини тубдан ўзгартириб бўлмаслиги барчага аён. Чунки республикамизнинг ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий ҳаёти бевосита қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ. Агар Ўзбекистон аҳолисининг 60 фоизи қишлоқ жойларда яшашини, миллий даромадининг 55 фоизи қишлоқ хўжалиги корхоналарида яратилаётганини ҳисобга олсак, масала янада аниқ намоён бўлади. Умуман олганда, мамлакатимиз аҳолисининг турмуш даражаси қишлоқ хўжалигида эришилладиган ютуқларга боғлиқ. Айни пайтда аса, Юртбошимиз уқтирганидек, «барчани тўйдириб, барчани кийдириб келаётган инсонлар, адолат юзасидан, тўқроқ ва

хўжалик бошлиғи, яъни оила раҳбарига умр бўйи фойдаланиш ёки умрбод эғалик қилиш ва мерос қилиб қолдириш учун берилган томорқа ер майдонида маҳсулот етиштирадilar. Азалдан ҳам халқимиз риқ-рўзини ерга қилган тинимсиз меҳнати орқасидан топиб келган, етиштирган маҳсулоти билан ўзини ҳам,



Шарофидин Маманабиев 1960 йилда туғилган, 1989 йилда ТошДУ ҳуқуқшунослик факультетини тугатган. Фарона вилояти ҳуқуқ-тартибот ҳамда ҳокимият органларида масъул лавозимларда меҳнат қилган; 1998 йил май ойидан Қишлоқ ва суё хўжалиги вазирлигида етакчи мутахассис, «Хуқуқий эксперт» маркази директори лавозимида ишлаб келмоқда. Матбуотда ҳуқуқий ва иқтисодий мавзуларда қўлбал мақолалари чоп этилган.

Деҳқон хўжалигининг афзалликлари нимада? Бундай хўжаликни ташкил этишни хоҳлаганлар ишни нимадан бошлашлари керак? Умуман, мамлакатимиз қишлоқ ахли ўртасида деҳқон хўжаликлари билан боғлиқ масалаларни тушунтириш аҳволи қандай? Маълумки, Вазирлар Маҳкамасининг ўтган йилда амалга оширилган ишларга бағишланган йилгилишда Юртбошимиз Ислам Каримов айни шу масалаларга оид ишлар қоникарсиз аҳволда эканини таъкидлаган эди. Таҳририятимиз мазкур мавзуда иқтисодий шарҳловчиларнинг мақолаларини эълон қилишни режалаштирган.

ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИГИ ИСТИҚБОЛИ

тўқинроқ яшашлари лозим». Бунинг учун аса қишлоқ хўжалигини тезроқ оёққа тургазиш, яъни қишлоқда деҳқон, фермер хўжаликларини ташкил этишни жаддаллаштириш зарур.

Мазкур хўжаликлар ўртасидаги фарқи билмаслик дастлаб муайян чалкашликларни юзага келтирган эди. Хўжалик юриштиринг бу илғор усулларига ўтган хўжаликлар «деҳқон-фермер хўжаликлари» деб но-тўғри номланиб келинди. Кейинги йилларда қабул қилинган қонунлар уларнинг бир-бирдан тубдан фарқ қилишини аниқ қўрсатиб берди. Хусусан, Ер Кодекси, «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида», «Деҳқон хўжалиги тўғрисида», «Фермер хўжалиги тўғрисида»-ги Қонунларнинг қабул қилинган-и ҳамда уларни ҳаётга тезроқ жорий этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йили «Фермер хўжалиги тўғрисида»-ги, «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларини амалга ошириш мuddатлари ва чора-тадбирлари тўғрисида»-ги Қарори, унга илова қилинган «Фаолият кўрсатаётган шахсий ёрдамчи хўжаликлари деҳқон хўжаликларига ўзгартириш тартиби»-да деҳқон хўжалигининг моҳияти ва турлари, унинг фермер, ширкатлардан фарқи, афзалликлари ҳақида маълумот беради.

Юқорида таъкидланган ҳужжатларда қўрсатилганидек, деҳқон хўжалиги оилавий майда товар хўжалиги бўлиб, бундай хўжалик оила аъзоларининг шахсий меҳнатлари туфайли фаолият юритади. Оила аъзолари

бошқаларни ҳам боққан. Шу боис деҳқончилик тарихимизда жуда шарафланган, элда деҳқоннинг обрўси жуда баланд бўлган. Бироқ собиқ шўролар даврида деҳқон меҳнати қадр топмади, яъни деҳқон бошқаларни кийинтириб ўзи юпун, бошқаларни тўйдириб ўзи ва оиласининг фаровонлигини таъмин этолмади. Чунки ўша давлат тузуми даврида деҳқон ҳеч қандай имтиёзларга эга эмасди. Бир қара томорқасида етиштирган маҳсулоти сув текинга олиб кетилар, агар уни ўзи бозорга олиб бориб сотишни кўзласа бу уриниш баттар қимматга тушарди. Транспорт харажатларидан тортиб йўллардаги назоратчиларнинг, бозорлардаги қорчалонларнинг найранглари деҳқонларнинг тинкисини қуритарди.

Истиклолдан кейин деҳқон хўжаликлари фаолияти қонун билан тартибга солинди. Эндилқда бундай хўжаликлар жойлардаги ҳокимиятлар рўйхатидан ўтиб, бемалол фаолият кўрсатиши мумкин.

Ақсарият тадбиркорлар деҳқон хўжаликларини ташкил этиш йўли-йўликлари, бундай хўжаликнинг фаолият кўрсатиш ва тугатилишига доир қонунлар ҳамда меъёрий ҳужжатлар билан яхши таниш эмаслигини инobatга олиб, бу борада билиш зарур бўлган қоидаларга қисқача тўхтаб ўтсак.

Авалло, деҳқон хўжалиги аъзолари ҳақида. Хўжаликни бирга юритаётган оила бошлиғи, унинг хотини (эри), болалари, шу жумладан фарзандликка, тарбиясига олган

болалари, ота-оналари, меҳнатга қобилиятли ёшга етган қариндошлар деҳқон хўжалиги аъзолари жумласига кирилади. Деҳқон хўжалигида елланма меҳнатдан доимий асосда фойдаланиш, яъни бошқанинг қучидан фойдаланиш, шу орқали фойда олиш мумкин эмаски, бу жаимиятнинг инсонпарварлик қоидаларига зид.

Узаро муносабатларда хўжалик бошлиғи деҳқон хўжалиги номидан иш кўради.

Деҳқон хўжалигини ташкил этиш ихтиёрий асосда амалга оширилади: бунда хўжалик бошлиғи ширкат хўжалиги бошлиғига ва туман ҳокимига ариза билан мурожаат қилади. Аризада сўралаётган ер участкасининг жойлашган жойи, майдон, хўжалик таркиби, ердан фойдаланишнинг мақсад ва йўналишлари қандай этилади. Ширкат хўжалиги бошқаруви шу аризага кўра деҳқон хўжалигини ташкил этишни умумий мажлисида муҳокама қилиб тегишли қарор чиқаради. Бу қарор асосида ер участкалари бериш бўйича туман комиссияси ҳулоса чиқаради ва шулар асосида туман ҳокими деҳқон хўжалигини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилади. Туман ҳокимининг қарори шу туманнинг молиявий, банк, солиқ ва бошқа идоралари учун мажбурий ҳужжатдир.

Деҳқон хўжалиги давлат рўйхати олинган пайтдан бошлаб ташкил этилган деб ҳисобланади.

Деҳқон хўжалиги бошлиғи ер участкасига умрбод эғалик қилиш

ҳуққини берувчи давлат ҳужжати ҳамда Давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида белгиланган намунада гувоҳнома берилади. Фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органларида деҳқон хўжалигининг таркиби, хўжалик бошлиғи ёхуд унинг вазифасини бажарувчи шахс, шунингдек хўжаликнинг ташкилий ҳуқуқий шакли тўғрисидаги маълумотлар қайд этиб қўйилади. Давлат рўйхатидан ўтказилганиги учун деҳқон хўжалиги бадал тўлашдан озод қилинади.

Деҳқон хўжалигига томорқа ер участкаси, иморат ва ҳовли эгалланган майдонни қўшганда, суғориладиган ерлардан 0,35 гектаргача, суғорилмайдиган (палмикор) ерлардан 0,5 гектаргача, йўл ва саҳро минтақасида 1 гектаргача берилади. Ақратилган ернинг чегаралари ер тузиш хизмати органлари томонидан маҳаллий бюджет маблағлари эвазига расмийлаштирилади.

Томорқа ер участкасидан самарали фойдаланган деҳқон хўжалиги ширкат хўжалиги бошқаруви томонидан, умумий мажлисининг қарори асосида, маҳсулот етиштириш, шунингдек, яйлов барпо қилиш учун қисқа мuddатли ижарага қўшимча равишда ер участкалари берилиши мумкин.

Иқтисодий ислохотларнинг самарали олиб борилаётгани шунда ҳам кўринадими, айни пайтда, етиштирилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларида нодавлат секторининг улushi 1998 йилда 99 фоизни ташкил этди. Эндилқда қишлоқларда фермер ва деҳқон хўжалиklarининг эгалари мулкдорлар синфига айланмоқда, улар ўзларининг ерига ва етиштирилган маҳсулотларига тўла эғалик қилмоқдалар. Шу боисдан ҳам деҳқон хўжалиklarининг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши умумий ҳажмидаги ҳиссаси 1994 йилда 44 фоизни ташкил этган бўлса, 1995 йилда 49,3, 1998 йилда эса деярли 60 фоизни ташкил этди. Деҳқон хўжаликлари мамлакатимиздаги умумий суғориладиган ерларнинг 15 фоизига эга. Яъни қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг қариб 60 фоизини деҳқон хўжаликлари бераётгани ҳозирги кунда уларга муқобил ишлаб чиқариш шакли мажбул эмаслигини, бу усулнинг гоьйда истиқболли эканлигини тасдиқлаб турибди.

Шарофидин МАМАНАБИЕВ, иқтисодий шарҳловчи

ТАДБИРЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 5 мартдаги «Бозорлар фаолиятини ташкил этишни ва аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 5 март кунги «Бозорларнинг фаолиятини ва уларни бошқаришни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги 82-сонли қарорининг 5-бандида фьючерс шартномалари тузиш белгиланган.

Шу масалалар Сирдарё вилоят прокуратураси томонидан ўрганилиб, натижаси ҳоҳимият, Марказий банк, Халқ банки, «Деҳқон бозор»-лари акциядорлик жаимиятлари раҳбарлари ва туман, шаҳар прокурорлари иштирокида идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгашда кўриб чиқилди.

Юқорида кўрсатиб ўтилган ҳукумат қарорлари ижросини таъминлашда йўл қўйилаётган камчилик ва нуқсонлар очиб ташланди. Деҳқон бозорларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан тўлдирини ҳамда деҳқон-фермер хўжаликлари томонидан етиштирилган маҳсулотларни шартнома асосида ўш вақтида сотиб, уларнинг молиявий аҳволини яхшилашга доир чора-тадбирлар белгиланди.

(Ўз мухбиримиз.)

ОҚ ВА ҚОРА

Эшитгансиз, балки ўқиганинғиз бордир, ранглар қайсидир маънода инсон кечинмаларини, ҳис-туйғуларини белгилайди. Ҳатто ранглар орқали инсонларнинг характерини аниқласа бўлар экан.

Оқ ранг — покликни, беғуборликни акс эттиради. Пок, ҳалол, яхши инсонларга нисбатан оқ кўнғил ибораси ҳам шунинг учун қўлланилади. Аксинча, қора ранг бунинг умуман тескариси. Бадиий ижод нуктаи назаридан оқни қора қилиш, ёхуд аксинча қорани оқ қилиш унчалик мушкул иш эмас. Аммо бугун биз сўз юритмоқчи бўлган муаммо расомларимизнинг ижодида умуман алоқаси йўқ. Бизнингча, ҳаётда ҳар бир инсон ўзича бир расом. Кўнғилнинг оқлиги қи қоралиги бизнинг қай даражадаги «ижодкор»лигимизга, тасаввуримизга, ҳулқ-атвори-мизга боғлиқ. Ортиқча ташбехларни йиғиштириб, мuddаога ўтсак.

Маълумки, озодалик, соғлиқ-саломатликка алоқадор касб эгалари оқ либос киядилар. Ҳаётимизда беминнат хизматлари билан бизларга асқотадиган сартарош, ошонча хизматчилари ҳақида саломатлик посбонна-ти-тиббёт ҳодимлари асосий ўрин тутлади. Таассуфки, эл-юрт саломатлиги учун меҳнат қилишдек муборак касбини танлаган, тиб қасамини ича туриб, оқ либосга қора доғ тушир-

масликка сўз берган ана шу соҳа вакиллари ўртасида ҳам нопок кимсалар учраб туриши кўнғилни огригатади.

Сирдарё вилоят прокуратураси томонидан «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»-ги Қонуннинг ижроси юзасидан ўтказилган текширишлардан сўнг пайдо бўлган худди ўша огриқ ушбу мақолани ёзишимизга сабаб бўлди.

ФАРМОН ВА ИЖРО

# ГАЛЛАЗОР — ЯЙЛОВ ЭМАС

Баҳор яхши келди. Аиникса кейинги пайтларда ёққан ёмғир далаларни яшнайтиб юборди. Деҳтон тили билан айтганда баҳор ёмғири галлазорларда мўл ҳосил тулланишидан ниҳона.

Айни шу кунларда қишлоқ ҳўжалик экинлари, галлазорларнинг пайҳон бўлишига йўл қўймасак, насиб этса эл омборлари донга тўлади. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 12 январдаги «Экинларнинг пайҳон қилинишига қарши кураш самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги қарори прокуратура идораларини бундай ноқонуний ҳолатларга қарши кескин кураш олиб боришга даъват этмоқда. Афсуски, бу қарорнинг моҳияти айрим лоқайд одамлар онгига ҳали етиб бормаган кўринади. Жорий йилнинг ўтган даврида ўтказилган текширишларда 2138 бош чорва моллари қишлоқ ҳўжалик экинларини пайҳон қилаётганда далалардан ҳайдаб чиқарилган. 311 гектар ердаги бўлғуси ҳосил пайҳон қилиниб, 8,7 млн. сўмлик моддий зарар етказилган. Бу эса жойлардаги ҳўжаликлар ва уларнинг таркибий бўлинмалари раҳбарлари томонидан экинзорларнинг пайҳон қилиниши олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар кўрилмаётганлигидан далолат беради.

Жиззах вилояти Арнасой туманидаги «Миришкор» ва «Кувват» фермер ҳўжаликларининг 20,06 гектар бугдойзорлари чўпон Х.Нарзиёв, С.Имомов қарамоғида қўй ва эчкилари томонидан пайҳон қилинган. Баҳмал туманидаги «Узунбулок» жамоа ҳўжалиги экинзорлари яйловга айлантириб юборилган. Фўқароларга тегишли бўлган 570 бош қўй ва эчкиларни боқиб юрган чўпонлар И.Эшитатов, Ф.Сафаров доннинг уволи тутишини наҳотки билмасалар? Юқоридagi икки ҳолат бўйича мутахассислар ёрдамида таҳлил қилинганда чўпонларнинг айби билан ҳўжаликларга 320,9 минг сўмлик моддий зарар етказилганлиги аниқланди.

Ушбу ҳолатлар юзасидан жиноят ишлари кўзга тилиб, ҳозирда тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Сурхондарё вилоятининг Узун туманидаги «Серҳаракат» жамоа ҳўжалиги бошқаруви раиси Х.Муҳаммадиев ўз хизмат вазифасига виждонсизларча муносабатда бўлиб, экинзорларни кўриқлаш ишларини тўғри ташкил қилмаганлиги натижасида уюшмага қарашли 20 гектар галла майдонини фўқароларга тегишли бўлган қорамоллар пайҳон қилиб, ҳўжаликка жами 290,6 минг сўмлик моддий зарар етказилишига йўл қўйилган.

Шу вилоятнинг Музработ туманидаги «Довуд» фермер ҳўжалиги бошлиғи Х.Ҳамдамовнинг лоқайдлиги улардан ҳам ўтиб тушди. У дала қоровулларини тайинламаганлиги оқибатида чорва моллари томонидан галла майдонларининг пайҳон қилинишига йўл қўйилиб, ҳўжаликка 304,0 минг сўмлик моддий зарар етказилган.

Тошкент вилояти Оҳангорон туманидаги «Ўзбекистон» жамоа ҳўжалиги бош ҳосилоти А.Маҳкамов ва 2-бўлими бошқарувчиси З.Париевлар Юртбошимизнинг Фармони талабларига озак муносабатда бўлиб, экинзорларнинг пайҳон қилинишига қарши зарур чораларни кўрмаган. Масъулиятсизлик оқибатида ижарачи У.Мадиевора ажратилган галла майдонининг 4 гектарини фўқаролар К.Жумакулов, А.Мирзаалиев, К.Бойиров ва П.Ҳожақбаровларга тегишли 12 бош отлар пайҳон қилган. Бундан кўрилган зарар 238,0 минг сўми ташкил этган.

Қорақалғистон Республикаси Кегейли туманидаги «Кегейли» деҳқон-фермер ҳўжаликлар уюшмаси 8-бригадасининг 10 гектар галла майдони қаровсиз қолдирилгани оқибатида 8 нафар фўқаронинг 19 бош қорамоллари экинни пайҳон қилган. Натижада ҳўжаликка 284,5 минг сўмлик моддий зарар етказилганлиги аниқланган.

Жорий йилнинг 1 март ҳолатига кўра Прокуратура идоралари томонидан экинларнинг пайҳон қилинганлиги учун 366 киши маъмурий, 184 киши интизомий жавобгарликка тортилган. 410 минг сўмлик моддий зарар айбдорлардан ихтиёр ривашида ундирилган, сулдарда ҳўжаликларга етказилган 3,9 млн. сўмлик зарарини ундириш юзасидан сулдарда 122 та даъво аризалари киритилган. Қўнун бузилиш ҳолатларини бартафас этиш хусусида 116 та тақдимнома юборилган, 44 та жиноят ишлари кўзга тилинган.

Қаердаки, лоқайдлик ва виждонсизлик бўлса, ўша жойда кимнингдир меҳнати топталди. Юқорида ёзганимиздек, кен кузда умид билан даласига уруғ қадаган деҳқон меҳнати бугун лоқайд кимсаларнинг виждонсизлиги туфайли чорва молларига озқа бўлмоқда. Аслида йймонсиз кимсалар майсан эмас, балки дастурхон кўржи бўлган нонни топтаётганини унутган кўринади. Нонни топтаган одам эса икки дунё хор бўлиши мўқаррар. Бундай кимсаларни қонунларимиз ҳам кечирмайди.

**Олим СУВОНОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси прокуратураси  
умумий назорат бошқармаси прокурори

НАЗОРАТ

Ҳар қандай аёлнинг энг буюк орузи она деган мўстабар номага эга бўлиш, десак янглишмасак керак. Бироқ Янгйер шаҳрида интикомат қилувчи фўқаро Б.С.нинг хатти-ҳаракати ҳар қандай инсонни ўйга толдиража ажаб эмас. Бироқ биз унинг бу ҳаракатини баҳолаш фикридан йироқмиз. Фақат уни қўллаб-қувватлаган, бу йўлдан қайтариш, тушунтириш ўрнига ноқонуний ривашида ҳомиласини аборт қилган шахар тиббий санитария қисмининг гинекология бўлими мудури Д.Мамадазимовани қандай аташни ҳам билмаймиз. Унга нисбатан жиноят иши кўзга тилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилди. Бироқ Республика Президентининг «Амнияти тўғрисида»ги Фармонидан сўнг жиноят иши ҳаракатдан тўхтатилган.

Ҳали дунё юзини кўрмаган гўдак туғилмасдан нобуд бўлди. Энди ҳар икки аёлни ҳам тушларидека бир парча гўшт бўлиб улгурган мурғак гўдак ҳар тун, ҳар оқшом безовта қилмаслиги мумкинми?

Этиборингизни қуйидаги воқеага қаратмоқчимиз. Боевут тумани марказий шифохонасида кўз касалликлари шифокори А.Норҳаджаев даволаш эвазига фўқаро Ширинонадан 10500 сўм пора талаб қилган. Оқибатда ушбу суммани олаётган пайтида қўлга олин-

ган. Ўзидан нажот истаб келган одамга ёрдам бериш ўрнига таъмағирлик қилиш янғили ҳол эмасми?

Ширин шаҳридаги МСЧнинг реанимация бўлими мудури О.Усмоналиев ҳамда болалар бўлими мудури Ж.Маэбутовлар боийшининг «антика» усулини топишди. Ҳар икки шифокор ўзаро тил бириктириб касалхонага тегишли бўлган 5 кг. вазндаги симоб суқюлгини 2 минг АҚШ долларига сотмоқчи бўлганда қўлга туширилди. Ҳамкасблар энди қилган ишларидан сабоқ чиқариса ажаб эмас.

«Тез тиббий ёрдам» хизматининг нақадар муҳим аҳамиятга эга эканлигини айтиб ўтиришнинг ҳожати бўлмас керак. Баъзан инсон ҳаёти ҳам ана шу хизматнинг ўз номига муносиб ривашида хизмат кўрсатишига боғлиқ. Сирдарё туманида тез тиббий ёрдам кўрсатиш мавжуд 7 та таянч пункти орқали амалга оширилиб, тез тиббий ёрдам бўлимида 2 та врачлик бригадаси фаолият кўрсатади. Ўтган 1999 йил давомида жами 34583 маротаба қақирик қайд этилган бўлиб, врачлар хизматининг тўғри йўлга қўйилмагани боис улратдан бор - йўғи 25 фоизигина қаноатлантирилган. Беморларнинг қолган қисми эса тез ёрдамчилар йўлига кўз тика-тика хуноб бўлишгани аниқ.

ИНСОН ВА ҚОНУН

Шартнома икки ёки бир неча (жисмоний ёки юридик) шахснинг ҳуқуқ ва бурчларини вужудга келтириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги ўзаро келишувдир. Шартнома ҳўжақўрсинга тузилмайди, қўнун қоғозларда қолиб кетишига қўнун йўл қўймайди, зеро шартнома шартларини бузганлик учун интизомий, маъмурий ва жиний жавобгарлик назарда тутилган.

Файзулла Ҳўжаев туман прокуратураси томонидан туман ҳудудидаги «Сомоний» деҳқон бозори ҳиссадорлик жамияти ва «Шаҳристон» савдо ишлаб чиқариш корхонаси бозорида Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги «Ҳўжалик юридувачи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳўқуқий базаси тўғрисида»ги Қўнунига риоя қилиниши ўрганиб чиқилганда жиддий қўнунбузарликларга йўл қўйилганлиги аён бўлди.

«Сомоний» бозорида 247 та тижорат-савдо дўкони жойлашган. Бозор маъмурияти томонидан 1999 йилда дўкон эгаларининг 165 таси билан ижара

лари учун) бўлиши керак эди. Аммо бу суммага бозор ҳудудини асфальтлаш ҳаражатлари ҳам қўшилиб, 1999 йилда савдо дўконларидан эгаларидан қўнунга хилоф ривашида 147.210 сўм ундириб олинган. Шартнома шартларига риоя қилмаслик, уни тузишдаги бир ёқламалик «Шаҳристон» савдо ишлаб чиқариш корхонаси фаолиятида ҳам учраб турибди.

Бозор маъмурияти томонидан шартномалар тузишда қўнун талабларига риоя қилинмаганлиги, яъни уч томонлама шартнома тузиш таъминланмаганлиги натижасида шу йил ижарага берилган 17 та

# ҚОҒОЗЛАРДА ҚОЛИБ КЕТГАН ШАРТНОМАЛАР

шартномаси тузилган, қолган 82 таси билан умуман шартнома тузилмаган. Бу билан бозор ҳазинасига тузиши лозим бўлган маблағлар бой берилган. Тўғри, шартнома шартларига биноан 1999 йилда 797,0 минг сўм ижара ҳақи ундириб олинган, лекин бозор маъмуриятининг эътиборсизлиги, бу ишга алоқадор бўлган ходимларнинг ўз хизмат вазифаларига совуққонлиги натижасида 73 та савдо дўкони эгаларидан 550.676 сўм миқдоридagi ижара пуллари ундирилмасдан қолган.

Бозор маъмуриятининг савдо дўконлари эгаларини билан 1999 йилда тузилган шартнома шартларининг 7-бандида «ижарачи ижара ҳақи ва бозор хизматлари ҳақини шартномада кўрсатилган вақтда тўламаган тақдирда, 50 фоиз умумий қарз ҳисобидан жарима тўлайди», деб кўрсатилган бўлишига қарамастан, бунга ҳам амал қилинмаган. 1999 йилда шартнома тузилган савдо нўкталарининг 73 тасидан 275.338 сўм миқдоридagi жарималар ундирилмасдан қолиб кетган. Қарзни ундириш ҳақида ҳўжалик савдога атиги 1 та даъво аризаси берилган, қолган 72 та савдо дўкони эгаларига нисбатан ҳеч қандай чора кўрилмаган.

1999 йилда савдо дўконларининг 155 тасидан бир сўм ҳам ижара ҳақи олинмаган. 2000 йилда бозор маъмурияти 247 нафар ижарачининг 51 нафари билан шартнома тузиши негадир эсдан чиқариб қўйган. Тарифга биноан ҳар бир квадрат метр ер майдони учун 364 сўм 50 тийин ҳақ олиниши белгиланган. Маъмурият 51 нафар ижарачидан 5045 квадрат метр ер майдони учун ундириб олиши керак бўлган тушуми ҳисоблаб чиқиб қийин эмас. Бу рақам 2000 йилнинг 28 март куни ҳолатида 1 млн. 838 минг 902 сўми ташкил этди.

Ижара ҳақларини ундириб олишда, белгиланган, ижара шартномалари тузишда бозор маъмурияти вилоят ҳокимининг тегишли қарорига умуман риоя қилмапти. Бу қарорга биноан шартномалар 3 томонлама тузилиши лозим. Бу қоидага амал қилинмаганлиги натижасида, ижара ҳақлари нотўғри қўлланилиб, тадбиркорларнинг ҳўқуқлари камситилишига йўл қўйилганлиги билан мутлақо муро-са қилиб бўлмайди.

Бозор маъмурияти томонидан ижарачилардан ундирилиши лозим бўлган ҳақларнинг калкуляцияси нотўғри тузилган. Ҳар бир квадрат метр ерни ижарага бериш нархи 164 сўм 50 тийин (шунинг 97 сўм 50 тийини ер солиғи ва 67 сўми бозор ҳаражат-

савдо дўконидан 77.750 сўм кам ижара ҳақи олинган. Бозор балансидека бўлган умумий ер майдонининг 2617 квадрат метрини 10 та хусусий савдо дўкони эгаллаб олганига қарамастан, бу дўкон эгалари билан 1999 ва 2000 йиллар учун ер ижараси ҳақида шартномалар тузилмаган ва тушумлар ундирилмасдан қолган.

Бу бозорлар раҳбарларидан «Ундоқ қилиш керак, бундоқ қилиш керак, аҳолига хизмат кўрсатиш савиясини кўтариш учун маблағ топилаётми», деган баҳонани эшитиб ҳайрон қолсан. Миллион-миллион маблағ бўла туриб, уни ундириб олиш чоралари кўрилмаётганини наҳотки ўзлари билишмайди?! Жисмоний ёки юридик шахслар билан тузилган шартномалар бажарилмай қоғозда қолиб кетса, жонқурлик қилинмас, маблағ осмондан тушмаслигини наҳотки улар тушуниб етмаган бўлса?! Президентимиз Ислам Каримов Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 15 февраль куни бўлиб ўтган йиғилишида «Шартнома шартларини бузган томон, албатта қўнун олдида жавоб бериши шарт», деб ана бир бор таъкидлади.

Тўғри, туман прокуратураси томонидан бу гайриқонуний ҳолатларнинг олдини олиш, аниқланган камчиликларни зудлик билан бартафас қилиш борасида тегишли прокурорлик таъсир чоралари кўрилди. Лекин бундан тўғри ҳулоса чиқариш керак. Қўнунларга беками кўст амал қилишга нима етсин. Ана шунда бизнинг аралашувишига ҳожат қолмайди. Ҳулоса ўрнида айтганидан гапим шуки, шартнома иқтисодийтаъминоти ривожлантиришининг асосий омилларидан бири эканлигини раҳбарлар ҳеч қачон эсдан чиқармасликлари лозим.

**Ф.МАҲМУДОВ,**  
Ф.Ҳўжаев тумани прокурори

ҲУҚУҚИЙ САБОҚ

## ЎҚИНГ, ЎРГАНИНГ

«Адолат»  
нашриёти  
юридик фанлар доктори  
Ҳ.Раҳмоқуловнинг  
«Олди-сотди шартномаси»  
китобини чоп этди.



Китоб фўқаролик ҳўқуқининг асосий институтларидан бири бўлган олди-сотди шартномаси ва унинг шаклларини таҳлил қилишга бағишланган. Муаллиф ушбу мавзун баён этишда бозор муносабатларига ўттиш шариоатида қабул қилинган қонунлар, хусусан, Фўқаролик Кодекси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, ҳўкумат қарорлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қўшилган халқаро шартномалар ва конвенцияларнинг қондаларига асосланган.

Китоб ҳўқуқ ва иқтисод соҳасидаги олий ва ўрта махсус ўқув юрталарининг талабалари, аспирантлари ва ўқи-тувчилари, суд, прокуратура, адвокатура, нотариат ва бошқа ташкилотлар ходимлари, тижоратчи тадбиркорлар ва товар истеъмолчиларига мўлжалланган.

**У.ЎРОҚОВ,**  
Сирдарё вилоят прокуратураси  
умумий назорат бўлими прокурори.  
**Ж.ШАРОФБОВ,**  
«Хўқуқ» муҳбири

## Internet ХАБАРЛАРИ

### Кўчадан топилади

-Англиянинг Олдерстон шаҳрида ядро куроли ишлаб чиқарадиган завод ёнидаги йўлакдан Британия Мудофаа Вазириликка тегишли бўлган бир даста махфий ҳужжатлар топилади, деб хабар беради «The Guardian» газетаси.

Топилган қозғоларда давлат аҳамиятига молик турли маълумотлар, jumладан, Буюк Британия ҳарбий идорасининг «Trident» туркумли суvester кемаларига жойлаштирилган ракеталар учун янги жанговар каллаклари яратиш бўйича режалар ҳақидаги маълумотлар ҳам бўлган.

Давлат сирлари бўлган бундай ҳужжатларни кўчага ким тушириб қолдирилган хусусида аниқ маълумот йўқ. Буюк Британия Мудофаа Вазирилик бу ҳодисани изоҳлаб, Буюк Британияни амалдаги ядровий давлат деб аташ учун яна бир баҳона топилади, деб таъкидлаш билан қийфозланди.

### ЎЛИМГА ЧОРА ЙЎҚ

Италия мафиясининг кўза кўринган етакчиларидан бири Томмизо Бушетта рақ касалидан 72 ёшда АҚШда оламдан ўтди.

Сицилида уя қурган «Коза Ностра» мафияси етакчиларидан бири Бушетта Т. Бушетта собиқ сафдошлари ҳақида бирма-бир кўрғазма беришга ўтгач, судья Жованни Фальконе суд жараёни бошлади. Бу судда юзлаб мафия аъзолари ва раҳбарларининг айблари очиб ташланди. Чунончи, Бушетта Сицилия мафиясининг қироли, Пакана лақабли Сальватор Риннанини ҳам полицияга топширди. Маълумки, у ўн йил мобайнида «кўринмас салтанатни бошқарган эди. Шахсан Риннанининг ўзи аёллар ва болаларни ўлдирдишга фатво берган. Бушеттанинг тасдиқлашича, Пакана Италия бош вазири Ж. Андреоттининг фаолиятига ҳам кўзқулққ бўлиб турган, лекин бу далилни исботлашинг иложи бўлмади.

1993 йилда Ж. Фальконе ўз шахсий автомобилда хотини билан бирга портлатиб юборилганидан кейин Бушетта Италия ҳукуматида афв олиб, АҚШга ўтиб кетишга муваффақ бўлади. У таъқиблардан сақланиш учун исмини ва ҳатто пластик операция йўли билан юз қиёфасини ўзгартиради. Аммо, мафиянинг собиқ қироли ўлимга чап бера олмади.

САРИОСИЁ ТУМАН СУДИНИНГ судьяси З. Каримов 1999 йил 18 март куни Собир Ориповга тегишли жиноят иши юзасидан ҳукм чиқарган. Маҳкум Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми «б» ва «в» бандлари бўйича айбли деб топилиб, унга нисбатан мазкур Кодекснинг 57-моддаси қўлланилиб, уч йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган. Ва Конституциянинг 6 йиллиги муносабати билан эълон қилинган Амнистия тўғрисидаги Фармоннинг 2-моддаси асосида тайинланган жазони ўтасдан озод қилинган.

Ушбу жиноят иши туман прокурори кассация протестига асосан вилоят судининг жиноий ишлар бўйича судлов Ҳайъатида ҳам қўрилиб, ҳукм ўз кучида қолдирилган.

ВОКЕА БУНДАЙ БЎЛГАН: Орипов Сароисий туман 281-ХМКМ ташкилотидан бош ҳисобчи вазиасида ишлаб келиб, эгалаб турган лавозимидан шахсий бойлик орттириш мақсадида фойдаланган. У тумандagi темир-бетон махсулотлари ишлаб чиқариш ҳиссдорлик жамияти томонидан фуқаро Мирзо Маҳманазаров номига берилган ишонч қозғоли билан Сароисий савдо-ишлаб чиқариш ҳиссдорлик жамиятига қарашли 29-дўкандан 132 миңг 662 сўмлик озик-овқат махсулотлари олиб, ўзлаштириб юборган.

Суд маҳкумга нисбатан дастлаб-таб тергов томонидан эълон қилинган ЖКнинг 205-моддаси 2-қисми «в» бандини асосис равишда айбловдан чиқарган. Ҳукмда баён қилинган хулосалар ҳам ишининг ҳақиқий ҳолатига тўғри келмасди.

Мазкур жиноят ишининг судда қўрилишида давлат айбловини туман прокурори ердэмчиси Б. Сафаров қуватлаган. Бироқ судья суд мажлиси баённомаси ва ҳукмини қалбақлаштириб, давлат айбловини А. Тўйичев қуватлади, деб қайд этган. Бунинг устига Сафаров томонидан тақдим этилган музокара нуқтини жиноят ишига қасддан қўшмас ва хизмат сохтакорлигига йўл қўйган. Бу билан ЖКнинг талабларини жиддий равишда бузган.

Ҳукмда «Орипов Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси «б», «в» бандлари билан айбли деб топилиб» дейилган. Қайд этилган модданинг қисми кўрсатилмаган. Бу эса ЖК нормаларини нотўғри қўлланган. Маҳкум томонидан кўп миқдордаги озик-овқат махсулотлари талон-тарож қилинганлигига

# ҲУКМ БЕКОР ҚИЛИНДИ

ҳам суд томонидан тегишли баҳо берилмаган. Натижда ЖКнинг 57-моддаси асосис қўлланилган.

Юқоридагилардан ҳам кўриниб турибдики, жиноят ишининг судда қўрилиши жараёнида ЖКнинг 484-моддаси 2-5 банди талаблари қўпол равишда бузилган.

Шуларни инобатга олиб, вилоят прокурори вилоят суди Раёсатига назорат тартибидега протест тақдим этди. Унда Сароисий туман судининг С. Ориповга нисбатан чиқарилган ҳукми ва уни ўз кучида қолдириш тўғрисидаги вилоят суди жиноий ишлар бўйича судлов Ҳайъатининг ажрими бекор қилинмоғи ҳамда жиноят иши янгидан, бошқа суд таркибидега кўриш учун юборилиши сўралган.

Протест тўлиқ қаноатлантирилди.

Буни қарагинки, Орипов кейинчалик ҳам ўша лавозимда фаолият кўрсатиб яна ноқўя ишга қўл урган. Жуда кўп миқдордаги пулни ўзлаштириганлик ҳолати бўйича унга нисбатан жиноят иши қўзғатилган. Эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олинган.

Ҳуш, унинг яна қингир йўлга кириб кетишига дастлаб жазодан осонгина қутилгани ҳам туртки бўлмадимикан?

ОЛИМ АШУРОВ Бандихон тумани «Тошкент» жамоа хўжалиги марказида яшовчи Тилов Утагановнинг уйига тўйга боради. Соат улган чамаси Файрат Назаров ва Бойқувват Юсуфалиев билан ўзаро тортишиб қолади. Уларни тўйхонадан жамоат жойи ҳисобланган катта йўлга олиб чиқиб, ўзаро жанжаллашиб, қўлидаги личқони Файрат Назаровнинг ўнг сонига санчи олиб енгил тан жароҳати, Бойқувват Юсуфалиевнинг қорин соҳасига санчи олиб, ҳаёти учун бағли бўлган оғир тан жароҳати etkazган.

Ашуров тергов органи томонидан ЖКнинг 277-моддаси 2-қисми «в» банди, 25-97-моддаси 2-қисми «б» банди билан айбланган, унга тегишли жиноят иши судга юборилган.

ҚИЗИРИҚ ТУМАН СУДИНИНГ судьяси О. Якубова эса маҳкумининг бу жиноий ҳаракатларини баҳолай туриб, унга нисбатан ЖКнинг 277-моддаси 2-қисми «б» банди билан оклов ҳукми чиқарган. Ваҳоланки, тергов органи томонидан унга бу банд билан айб қўйилмаган. «Уйини кўригинки, аксинча Ашуров айбланган ЖКнинг 277-моддаси 2-қисми «в» бандига суд томонидан умуман баҳо берилмаган. ЖКнинг 25-97-моддаси 2-қисми «л» бандига баҳо беришда, унинг ҳаракатларини қайта малакашда эса ЖК нинг 104-моддаси 1-қисми билан эмас, балки у безорилик оқибатида қасддан баданга оғир шикаст etkazганлиги учун ЖК нинг 104-моддаси 2-қисми «е» банди билан баҳолашни лозим эди.

Хуллас, судда маҳкум ЖКнинг 104-моддаси 1-қисми билан айбли деб топилиб, ЖКнинг 85-моддаси 3-қисми «б» банди қўлланилиб, 7 / этти / йилга озодликдан маҳрум этилган. Ва у Конституцияимиз қабул қилинганлигининг олти йиллиги муносабати билан Амнистия тўғрисидаги Фармоннинг 1-моддаси «в» банди асосида жазодан озод қилинган ҳамда эҳтиёт чораси ўзгартирилиб, дарҳол суд залидан озод қилинган. Шу тарика ЖКК нинг бир қанча моддалари талабига нид иш қўрилган. Юқорида баён этилганларга кўра вилоят прокурори томонидан мазкур ҳукми бекор қилиш тўғрисида вилоят суди Раёсатига протест киритилган. Ва табиийки у қаноатлантирилган.

ЭНДИ ЭЪТИБОРИНГИЗНИ МАНА БУ ЖИНОЯТ ИШИ ТРОФИДАГИ ГАП-СУЗЛАРГА ҚАРАТМОҚЧИМАН: маҳкум Донёр Аҳадов муқаддам ҳам ўғирлик қилгани учун судланиб, жазони тўлиқ ўтаган. Афсуски, у бундан йўлга тегишли хулоса чиқармаган. Ижтимоий фойдали меҳнатдан бўйин товлаб, доимий равишда эски «қасб» ини давом эттириб келган.

1998 йил 2 май кечаси Қизирқ туманидаги «Истара» жамоа хўжалигида яшовчи фуқаро Эгамшукур

Суюновнинг молхонасидаги бир бош сигир, бир бош ҳўкиз ва бир бош бузоғини ўғирлаб, унга катта моддий зарар etkazган. Шоввоз ўша йилнинг 12 июлга ўтар кечаси Бандихон туманидаги «Дўстлик» жамоа хўжалигига «юриш» қилган. А. Шопўлатовнинг бир бош ҳўкиз ва бир бош сигирини ўғирлаб кетган.

Учинчи бор ҳам «ҳақи» ни ажратиб кетган. Аммо тўртинчи мартаба жиноят устида қўлга тушган.

Ушбу қилмишлари учун Аҳадов тергов органи томонидан ЖК нинг 169-моддаси 3-қисмининг «а», «б» ва «г» бандларига биноан айбланиб, эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олинган.

Мазкур жиноят ишини ҳам Қизирқ туман судининг судьяси О. Якубова қўриб чиқиб, маҳкумга 5/беш/ йилга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаган. Ва бир йил Амнистия тўғрисидаги иккита Фармонни қўллаб, жазони ўтасдан озод қилган. Уни суд залидан қамолдан чиқарган.

Ашаддий ўғри атмиги 4 ой 4 кун ҳибсда сақланган, холос.

Аҳадовнинг айбини енгиллаштирувчи биронга ҳам ҳолат мавжуд эмас. Шунга қарамаздан суд унга энг кам жазо тайинлаган. Шу боис бу жазо адолатсиздир. Худди ана шу ҳолат прокурор томонидан протест йўлланишига ва унинг бекор қилинишига сабаб бўлган.

Ҳайрон қоладиган жойи шундаки, айрим судьялар гиванд моддалар билан боғлиқ жиноят ишларини қўриб чиқишда ҳам «қўнғилчанилик» қилишган. Бунга Термиз шаҳар суди судьяси Ж. Ишнарзиевнинг Бахтиёр Рўзиевга нисбатан чиқарган ҳукминини мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Жиноят иши материалларига кўра Термиз шаҳридаги «Гулистон» маҳалласида яшаган Рўзиевнинг уйи тинтув қилинганда унинг ҳовлисида қўзғоғзга иситиш печкаси ичидан 155 грамм 700 мгр. микдордаги «опий» гивандлик моддаси топилиган. Маҳкум уни сотиш мақсадида сақлаган. Бу билан у ЖКнинг 272-моддаси 2-қисмида кўрсатилган жи-

### «ХУҚУҚ»ҚА ЖАВОБ КЕЛДИ

### «ҚОЗОН ҚАЙНАЯПТИ, ЧЎМИЧДА ЖАЗ КАМ»

(«Хуқуқ», 23 февраль, 2000 йил)

Газетамизнинг 2000 йил 23 февраль сониди муҳбир М. Аловиддиннинг «Қозон қайнапти, чўмичда жаз кам» сарлаҳали мақоласи эълон қилинган эди. Шу мақола юзасидан таҳририят Самарқанд вилоти Нарпай туман ҳокими А. Жамиллов томонидан қуйидагича жавоб хати олди:

«...Мақолада кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан бир қанча ишлар қилинди. Жумладан, бу йил тумандаги 239 та фермер хўжалиқлари тайёров идоралари билан мустақил равишда шартномалар туздилар.

Худди шунингдек, фермер хўжалиқларини минерал ўғит билан таъминлаш бўйича иккита махсус дўкун ва алоҳида техника саройи ташкил этилди. Улар бугунги кунда фермер хўжалиқларига хизмат қўрсатаяпти. Ёниги-мойлаш материаллари ҳам тасдиқланган фондлар асосида тарқатилмоқда.

Ушбу мақолада кўрсатилган бошқа камчиликларни бартараф этиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар амалга ошириш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Туман ҳокими ушбу масала юзасидан тегишлича назорат олиб бормоқда.

А. ЖАМИЛОВ,  
Нарпай туман ҳокими

### ПРОКУРАТУРА ЁРДАМ БЕРДИ

# ЭРТАКМИ Ё ҲАҚИКАТ

Қадим замонлардаги эртақлар бугун ҳақиқатга айланса беҳад қувонсанг киши. Негаки улар алхимикларнинг орзу-ниятлари, эзгу-умидлари билан боғлиқдир.

Аммо ҳаётимизда шундай воқеалар ҳам бўлиб турадики, беҳитиёр ўша ёшлиқда эшитган ва ўқиган эртақларимиз кўз олдимизда гавдаланади.

Эсингиздами, бир бола қорни очиб, новвой амакисидан нон ёпиб бериши сўраган эртақ?

Новвой унга сув олиб келиши буюради. Бола сув ёнига борса, у тўғрени очиб келишни айтиди. Бола тургани очгани борса, унга бултларга ва ёмиғрга илтижо қилишини айтишади. Бултлар ёнига борган болани шамолларга юборишади. Шамоллар ўз навбатида уни момақалдирик ёнига жўнатади. Фақат шундан сўнгина унинг иши битиб, осмонда чамқок қакади, шамол эсади, ёмиғр ёғади, тўғрени сув қуйилади ва у сувни новвой амакисига олиб боради. Кейин новвой унга нон ёпиб беради.

Новвой болани анча сарсон қилиб бўлса ҳам унга нон ёпиб берибди,

хайрият!

Аммо Балиқчи туманида яшовчи 2-гурӯх ногирони, ёшлиқдан қарсоқов бўлган, 30 ёшли, 2 нафар фарзанди бор М. Холиқованинг оворарчилигига прокуратура чек қўйиб, унинг ҳуқуқларини тиклади.

Қаранг, худди эртақдагидай, Мухтасар ногиронлик нафақасини олиш учун почта бўлимига учрайди. У ердагилар Мухтасарга ижтимоий таъминот бўлимига боришини айтишади. Ижтимоий таъминотдан Мухтасар ҳафсаласи пир бўлиб чиқади. Чунки у яна тиббий медицина эксперт комиссияси (ТМЭК) қўригидан ўтиши керак экан-да!

ТМЭКнинг ўзида унинг иши дарҳол битмади. Аввал ўзи яшаб турган худуддаги марказий поликлиникага учраб, тиббий комиссия қўригидан ўтиши ва унинг йўлланмаси билан ТЭМКка бориши керак экан.

Тиббий комиссия раиси врач М. Ҳакимова уни илиқ кутиб олди. Лекин унга имо-ишора билан 3 миң сўм пул олиб келишни, шунда унинг иши ҳамирдан қил сўғургандай осон ва тез битишини тушунтирди.

Фақат ногиронлик нафақаси ҳисобига 2 нафар фарзандини зўр-базўр боқиб келаватган Мухтасар 3 миң сўм пулни оқ халат кийган дўхтир опага қаардан топиб келишни йўлаб уйига хомуш қайтди. Эри Рустам (У ҳам қар-соқов, 3-гурӯх ногирони) унга пул топиб бера олмаслигини айтгач, ноилоҳ у Шаҳристон шаҳрида яшаётган ўзининг онаси — Маҳбубахонга учрашди. Маҳбубахон я бундан ғазабланиб, ярим варақ қозғоғзга хат ёзиб уни прокуратурага учрашишини айтиди...

Эралаб Мухтасар 2 нафар фарзандини етаклаб, қўлида онаси ёзиб берган хатни туман прокуратурасига олиб келди. Уни диққат билан ўқиб чиқдик: «Хурматли прокурор! Қизим қар-соқов, ўзи инвалид бўлса, ундан дўхтирлар 3 миң сўм пул сўрашяпти экан. Уларни зўрга яша-шяқ, ёрдам беринг...»

Мухтасар билан унинг 7 ёшли катта қизи ёрдамида суҳбатлашдик. Қизча ёрдамида баъзи нарсаларга аниқлик киритдик.

Дарров тезкор гурӯх туздик, ҳолисларни ва таржимонларни таклиф этдик. 3 миң сўм пулни банк-

ноятни содир этган кўринади. Суд эса унинг жиноий ҳаракатини асосиз равишда ЖК нинг 273-моддаси 3-қисми «д» бандига қайта малакалаган. Бунинг устига Рўзиевнинг айбини энгиллаштирувчи бирорта ҳам ҳолат мавжуд бўлмасда-да, қайта малакалаган модда, қисм, банд доирасида кўрсатилган энг кам жазо тайинланган.

Прокурор протести туфайли бу ҳукм ҳам бекор қилинди, албатта. Биз юқорида жазо энгиллиги учун бекор қилинган суд ҳукмлари тўғрисида фикр юридик. Кези келганда, берилган жазо огирлиги сабабли бекор қилинаётган ҳукмлар ҳам борлигини таъкидлашнинг истардики. Ахир, бу ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлидаги хайрли кадамлар эмасми? Ҳуқуқ-тартибот идоралари нафақат жазоловчи, балки фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи мақмада бўлиши гоат муҳим аҳамиятга эга. Шундай экан, ана шу эзгу мақсад йўлидаги саъй-ҳаракатларни ҳар қанча олқишласак арзийди. Бу борада ҳуқуссан прокуратура идоралари ўрнат бўлаётгани, айникса, таҳсинга сазовордир.

САИДУМРОД ХУСАНОВ Ангор туман марказидаги «Уйингоҳ» ёнида икки халтачага жойланган 140 миллиграмм «героин» гиёвандлик моддасини сотиб олиб, кетмоқчи бўлиб турганда ушланган. У дастлабки тушунтириш хатида суд терговчи якунига қадар гиёвандлик моддасини ўзи истёмоқ қилиш учун олганлигини баён этган. Унинг бу важини гувоҳлар тўлиқ тасдиқлаган. Суд наркология экспертизасининг ҳулоасига кўра ҳам маҳкум наркомания билан касалланган. Мажбурий тиббий даволашнинг муҳтож. Шунга қарамастан, Хусанов суд томонидан ЖК нинг 273-моддаси 3-қисми «д» банди билан айбли деб топилиб, 8/саққиз йил муддатга озодликдан маҳрум этилган.

Республика Олий Суди Пленумининг тегишли қарорига эса истёмоқ қилинишини истисно эътидиган миқдорда гиёвандлик воситаси топилагани ЖКнинг ана шу моддаси билан малакалагани кўрсатилган. Вилоят прокурорининг протести асосида ушбу жиноят иши вилоят суди Раёсатида кўриб чиқилиб, тегишли ҳукм бекор қилинди. Хусановнинг жиноий ҳаракати ЖКнинг 276-моддаси 2-қисмига қайта малакаланди. Ва унга 4/тўрт йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди. Ҳукмдан белгиланган

қўшимча жазо чиқарилди. Айникса, Баҳридин Авазов ва Шерзод Холиқов бошига тушган савдо галати. Уларнинг ҳар иккала-си туман судлари томонидан озодликдан маҳрум этилган. Ушбу ҳукмларга нисбатан ҳар иккала маҳкум ҳам кассация шикоятчи ёзган. Шунга кўра мажор жиноят ишлари вилоят судининг жиноий ишлар бўйича судлов Ҳайъатида кўрилиб, ушбу ҳукмлар ўз кучида қолдирилган.

Шуниси ажабланарлики, жазо беришгану, бироқ неғадир бу маҳкумларга нисбатан Президентимизнинг Амнистия тўғрисидаги Фармони қўллашган. Бу на туман суди судьяси, на вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов Ҳайъати аъзоларининг хаёлига келган. Фақат вилоят прокурорининг протестидан сўнг вилоят суди Раёсати томонидан ҳар иккала маҳкумга нисбатан ҳам тегишли Фармонлар қўлланилиб, улар жазони ўташдан озод қилинди. Умуман, 1999 йил мобайнида вилоят прокурорининг назорат тартибиде қиритган протести асосан жами 52 та жиноят иши кўрилиб, 54 нафар шахсга нисбатан шаҳар ва туман судлари чиқарган ҳукм ўзгартирилган ёки бекор қилинган. Бундан ташқари, шаҳар ва туман прокурорлари протести билан 106 та суд ҳукми ўзгартирилган, 12 та суд ҳукми эса бекор қилинган.

Ушбу мавзуни ўрганиш жараёнида шу нарсга аён бўлдики, неғадир кўпгина адолатсиз ҳукмлар шаҳар ва туман прокурорлари томонидан эътиборсиз қолдирилган. Шу боис бу ишга шахсан вилоят прокурори аралашшига тўғри келган. Буни қандай изоҳлаш керак?

Айрим жиноят ишларини кўриш ва ҳукм чиқариш жараёнида шаҳар ҳамда туман судларининг баъзи бир судьялари қонун талабларини қўпол равишда бузишган. Ҳатто хизмат сохтакорлигига қўл уриш ҳоллари ҳам рўй берган. Энди табиий савол туғилади: ҳўш, бундай масъулиятсиз судьяларга нисбатан қандай чора кўрилган? Афсуски, биз шу ҳолда вилоят суди раҳбарлигига мурожаат қилиб, ҳеч қандай жавоб ололмадик.

Хулоса шуки, прокуратура идоралари қонунчиликни мустаҳкамлаш мақсадига протест кўчидан янада самаралироқ фойдаланишлари лозим.

Қурбон ЖўРАНАЗАРОВ, «Хуқуқ» муҳбири

МИННАТДОРЧИЛИК

СУНЬИЙ ТЎСИҚНИ ЕНГИБ

Мендан, мустақиллик нима берди, деб сўрасалар, барча юрдошларимиз қатори мустақиллик бизнинг оиламизга ҳам эркинлик ва бахт берди, дея оламан. Сабаби - мустақилликдан сўнг биз ҳам оиламиз билан кенгашиб, фермер хўжалиги туздик. Ҳокимиятда бизнинг ташаббусимизни қўллаб-қувватлади. Кўп ўтмай туман МТПси билан 5 йилга шартнома тузиб «Олтой - Т-4» русумли ерни шудгор қиладиган трактор олдик. Қувончимиз кўнга чўзилди. Шартномани ноқонуний бузиб тракторни олиб қўйишди. Юрдошларимиз катта бир мажлисда «Чинакам фермер узок муддатга фойдаланиш учун олган ернинг амалда ҳақиқий хўжайинига айланиши керак. Тузилган шартноманинг барча шартлари деҳқон томонидан ҳам сўзсиз бажарилиши зарур. Шартнома мажбуриятларини бузган томон, албатта, қонун олдиде жавоб бериши шарт», - деб алоҳида таъкидлаган эди. Юрбошимизнинг ана шу сўзларини эслаб ёрдам сўраб бир қанча ташкилотларга бордим. Лекин улар вададан нарига ўта олмади. Охири минг бир мулоҳаза билан туман прокурори Саидмурод Шерназаров қабулида бўлдим. «Юрбошимиз ҳам меҳнат қиламан деган фермерларни ҳимоя қилаяйотди. Қонун Сиз томонда бўлса биз ҳам ёрдам қиламиз», деди. Кўп ўтмай туман трактор паркидагилар шартномадаги тракторимизни қайтариб беришди. Худога шукр, бизни ҳам туманда ҳимоя қиладиган идора бор экан, деб бошимиз осмонга етди. Энг қизиги, менинг бошқа тушган савдо тумандаги бошқа фермерлар бошига ҳам тушган экан. Туман прокурорининг аралашувидан сўнг уларнинг ҳам муаммолари ҳал бўлибди. Эшитиб жуда хурсанд бўлдим. Биз, фермерларнинг мақсадимиз битта-юртумиз дастурхонини тўқин-сочин қилиши. Бунинг учун фақат суньий тўсиқлар қўйилмасе бўлди.

Раҳимберди БОБОМУРОДОВ, Фаллавор тумани, Д.Йўлдошев хўжалигидаги «Қашқабулок» фермер хўжалиги раҳбари

АКС — САДО

СУД ҚАРОРИ ИЖРО ЭТИЛАДИ

Муаллиф А. Суюновнинг «Қонуннинг кучи нимада?» мақолисида («Хуқуқ» рўзномаси, 8 февраль, 2000 йил) келтирилган фактлар юзасиде кўйидагиларни маълум қиламиз.

ДМҚнинг Ташкент шаҳар ҳудудий бошқармаси Олий хўжалик суди қарорини бажариш мақсадида «Ал - Розий» жамоа қорхонасининг мулкига эгаллик қилиш ҳуқуқини тасдиқловчи давлат ордерларини бекор қилиш ҳақида 2000 йил 28 январь кўни 1-14к-ПО рақамли буйруқ чиқарган.

Айни вақтда ушбу ҳужжатларни бажариш учун бошқарма томонидан тегишли чоралар кўрилган.

Ушбу буйруқ асосида «Дори-Дармон» ТШДАБнинг 1-сонли дорихонасининг асосий ва айланма воситаларини ўтказиш ва улардан келажакда фойдаланиш, «Ал-Розий» жамоа қорхонасининг ходимларини ишга жойлаштириш масаласини ҳал этиш ҳам назарда тутилган.

Ҳозирги кунда суд қарорининг бажарилишининг таъминлаш «Дори-Дармон» ТШДАБнинг зиммасига юклатилган.

Р.Пўлатов, Давлат мулки қўмитаси Ташкент шаҳар ҳудудий бошқармаси бошлиги

АДОЛАТ БОР ЭКАН

1988 йилдан буён бригадир бўлиб ишлардим. 1993 йил хўжалигимиз раиси, бўлим бошлиги ўзгарди. Бир оз ўтгач, биз меҳнат қилаётган Жозор қишлоғининг бўлим бошлиги Ш.Жумоевнинг талабига биноан бригадирликни турмуш ўртоғим Холмурод Азизова топширди. Ҳудди шу йили бўлим бошлиги 50 гектар ердан 20 гектарини олиб, бошқа бировага берди. Бизга 27 гектар қолдирилиб, режага 29 гектар эътиди. Бу ҳақда «катта»ларга айтсак, куюк солишмадик. Пахта режасини аранг бажардик.

1999 йилда фалла эдик. Фалла занг касалига чалинди. Оқибатда режани бажара олмадик ва Х.Азизов ишдан олинди. Биз қатори режани бажара олмаган бригадалар кўп эди. Бироқ айнан бизни ишдан бушаттириш учун норози бўлиб кўп жойеа мурожаат қилдим. Бу орада бир некадун оқиб бугдой эккан еримизни ҳам тартиб олишди.

Мен 7 нафар боланинг онасиман. Ахир болаларимни едириб, кийинтиришим керак. Бу гал бўлим бошлиги Ш.Жумоева мурожаат қилдим. У эса мени тунишини ўрнига ҳақорат қилиб, жанжаллаштиришга борди. Охир-оқибат шикоят аризаси билан туман прокуратурасига мурожаат қилдим. Дундеа адолат бор экан. Прокуратура ходимларининг ёрдами билан бизнинг поймол этилган ҳуқуқимиз тикланиб, мен ва оилам иш билан таъминланди. Шу билан биреа 0,50 сотих ер ҳам олиб беришди.

Ушбу мактубни ёзишдан асосий мақсад адолат ва ҳақиқат осойибларига ўз миннатдорчилигини ихсоз этиши эди.

Адолат ТУРСУНОВА, Қарши тумани, С.Раҳимов ширкат хўжалиги, Қожор қишлоғи

ҲАҚАМЛАР БАҲОСИ АДОЛАТЛИМИ?

«Мурғак қалбимиз адолатсизлик қийноғида», деб ёзибди Бухоро вилояти Жондор тумани, Ибн Сино жамоа хўжалигидаги 37-ўрта мактаб ўқувчилари. Нега дейсизми? Келинг, яхшиси сабабини «Ахурамазда» гуруҳи иштирокчи-ўқувчиларининг арирлардан билиб олсак:

«...Мана, уч йилдан буён республика мактаб ўқувчилари ўртасида «Сиз қонунни биласизми?» кўрик танлови ўтказиб келинмоқда. Бизлар ҳам ушбу танловда ҳар йили фаол иштирок этиб келмоқдамиз.

2000 йил 7 март кўни туманда «Сиз қонунни биласизми?» кўрик танловининг финал босқичи бўлиб ўтди. Биз шу босқичга катта умидлар билан борган эдик. Лекин адолатсиз ҳақамлар айби билан барча умидларимиз чиппакка чикди. Гуруҳ ижросидаги саҳна кўрсатувлари ва саволларга жавобларимиз тўғри баҳоланмади. Танлов вақтида хайъат аъзолари совуқонлик билан, ўзаро сўхбатлашган ҳолда белпарво ўтиришди.

Биз бажарган шартларимизга қўйилган баҳоларни тузатишларини ва яхшироқ эътибор беришларини талаб қилиб чикдик. Аммо, ҳақамлар хайъати: «Журирлар қўйган баҳо қатъий, унинг устидан шикоят қилишга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ» дея жавоб беришди. Шу тўғрими?

37-ўрта мактаб «Ахурамазда» гуруҳининг 12 нафар ўқувчи-иштирокчилари

ТАҲРИРИЯТДА: Бунга туман халқ таълими бўлими раҳбарлари қандай муносабат билдиришор экан?

ВО АЖАБ!

ОНА-БОЛА ЎҒРИЛАР

Жиноят олами ёш ҳам, миллат ҳам, жинс ҳам танламайди, дейишади. Шундай экан, катта-ю кичик, турли жинс, турли миллатта мансуб шахсларнинг ўзаро тил бириктириб, жиноятга қўл уришига унчалик ажабланмасе ҳам бўлади. Бироқ она билан боланинг жиноий тил бириктириши... Бунақаси камдан-кам бўладию, лекин кишини ўйлантириб қўяди.

...

«Тўрақўрғон томонларда қаровсиз моллар кўп эмиш». Бу гап Алишернинг оромини ўғирлади. «Наманган-Чуст» йўналиши бўйича қатновчи автобустга чикди. «Намуна» жамоа хўжалиги ҳудудида етганида автобусдан тушиб қолди.

У хўжаликнинг 19-бригада даласидаги қирликча ўтганида атрофда одам зоти кўринмасди. Шу ерда тол дарахти салқинида уч бош мол кавш қайтариб ётарди.

Қўлай фурсатдан фойдаланиш учун у тол тагига келди, аммо молларни бир ўзи олиб кета олишига қўзи етмади. Сўнг ўйлаб ўтирмай изига қайтди. Уйига келиб синглисини, «мол олдим, олиб келишга қийналиб жойиде қолдирдим. Шунга ёрдамлаш», дея алдаб уни етаклаганча ўша манзилга борди. Шу куйиқ моллар Наманган шаҳар Мингчинор массиви С.Холиқов кўчасидаги 24-уйга туширилди.

Она ўғри ўғлини калтак билан эмас, балки айлиноб ўғрилиб қутиб олди.

Ниҳоят, орадан ўн кун ўтгач, она-боланинг ниятлари рўёбга чикди. Ўғирланган моллар 92.500 сўмга

сотилди. Пулнинг 80.000 минг сўми Зиёдажонда қолди, қолганига Алишер ўзига кийим-кечак олди.

Афсуски, она-боланинг бу жинояти силригича қолаверди ва бу оларни янги «иш-га» рухлантирди. Навбатдаги «операция»га она етакчилик қилди.

26 август. Улар Чуст туман «Зарафшон» фермер хўжалигининг 9-бригадасига қарашли ерда икки бош молни мўлжалга олишди. Бироз пўллаб туришгач, қаровсиз қолдирилган молларни ўйлари томон хайдаб кетишди.

Орадан уч кун ўтди. Зиёдажон ўғли билан тонг саҳарда новвосни етаклаганча Наманган шаҳридаги «Дашт» базориде пайдо бўлишди. Шунда қутилмаган воқеа содир бўлди. Уларни мол эгаси Ботиржон Назаров ҳамда ИИБ ходимлари қутиб олишди.

Ўғирлардан бири она эканини эшитган атрофдагилар хангу манг бўлиб қолишди. Нахотки онаси ҳам ўғри бўлса, дея ёқа ушлашди.

Лекин диққатга молик бир ҳолат киши эътиборини тортади. Онага жазо тайинлашда суд одиллик қилди.

Гарчанд Зиёдажон Самиева ўғли билан жиноий тил бириктириб, оғир жиноят содир этган бўлса-да, суд унинг аёллигини, уч нафар фарзанди борлигини эътиборга олди ва қонунда белгиланган ҳам энгилроқ жазо тайинлади. Шюяд, она-бола бундан тегишли ҳуло-са чикариб олсалар...

Раҳмон ҚОРАБОЕВ, Наманган вилоят прокурорининг ёрдамчиси, 1-даражали юрист

дан олиб, унга ишлов берилди. Сўнг пуллар Мухтасарга топширилди ва унга пулларни талаб қилган шахсга бериши тушунтирилди.

Орадан бир неча дақиқа ўтгач, врач М.Ҳақимова порани ўз уйда олган пайтида қўлга олинди.

Тергов ва судда М.Ҳақимова ўз қилмишларига тўлиқ иқдор бўлиб, суддан ва жабрланувчилардан кечирим сўради, кўз ёши тўкди. Суд уни Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг тегишли моддаси билан айбли деб топиб, 5 йил муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинлади. Инсонпарварлик таъйиниларига асосланиб, суд жазони энгилроғи билан алмаштирди.

Терговда ва судда жабрланувчи М.Ҳолиқовнинг сўзларидан қалбимиз ларзага келди... Сизларга минг раҳмат! Менинг ҳуқуқларим тикланди, тиббий қўриқдан осон ўтдим, менга 2-гурух ногиронлиги умрбод муддатга берилди. Дўхтир оланнинг 4 нафар фарзандлари бор экан, қамалиб қолмасин, энгиллик беринглар. Бу иш барчага сабоқ бўлсин!..»

Халқимизнинг доно эртақларига қўлоқ тутмаган, ўзгаларнинг ҳуқуқларини менсимеган, ўз мансабидан шахсий бўйлик орттириш йўлида фойдаланишга уринаётганларнинг холи шундай бўлиши мукддарар.

Н.КОМИЛОВ, Баликчи туман прокурори ёрдамчиси

МИЛЛИЙ МАФКУРА АСОСИ

# КАТТА АВЛОД МАСЪУЛИЯТИ

## Собир Раҳимов туман прокурори, 3-даражали Давлат адлия маслаҳатчиси Бахтиёр Пулатов билан суҳбат

Анчадан буён Бахтиёр ака билан маънавият, миллий қадриятлар ҳақида суҳбат куриш ниятида юргандим. Хизмат юзасидан Собир Раҳимов туман прокуратурасига борганимда ушбу ниятни айтган эдим, кутганимдай Бахтиёр ака бажонидил розилик билдирдилар.

**- Бахтиёр ака, кўпчилик сизни прокуратура соҳасига меҳнатлари сингган тажрибали ҳуқуқшунос ва бой ҳаётий тажрибага эга бўлган зиёли сифатида билди.**

**Сизнингча, бугунги кунга келиб маънавият, маърифат, қадриятлар масаласига эътиборнинг орттишига қандай сабаблар туртки бўлмоқда? Умуман, муайян шахснинг камол топишида, миллатнинг, жамиятнинг тараққий этишида маънавиятнинг, миллий қадриятларнинг тутган ўрнини қандай баҳолаш мумкин?**

- Тарихдан бизга маълумки, ҳеч бир янги пайдо бўлган мустақил давлат, жамият ўзининг маънавий имкониятларини, ўз фуқароларни онгида миллий ва умуминсоний қадриятларни уйғотмай туриб, мустақиллигини мустаҳкамлай олмайдди. Мустақиллик шарофати билан маданий-маънавий қадриятларимизнинг тикланиши халқимизнинг ўзлигини англашига, аждоқлар маънавий сарчашмаларига қайтишига, бир сўз билан айтганда, миллатнинг маънавий, руҳий жиҳатдан уйғонишига олиб келди.

Умуминсоний қадриятлардан сув ичган бой маданий-маънавий меросимиз минг йиллар давомида халқимизга қудратли маънавият манбаи бўлиб хизмат қилиб келган. Ва кўп босқинлар, киргинлар келтирган оғир талофатларга, тайчикларга қарамай, халқимиз ўз маданий-маънавий қадриятларини сақлаб қолишга муваффақ бўлди. Шу ўринда саволинингизга бироз эътирозим бор, чунки маънавиятга, маърифатга эътибор нафақат бугунги кунда, балки халқимиз тарихининг барча даврларида ҳам кучли бўлган.

Тўғри, собик шўролар даврида бу соҳага эътибор сусайган эди.

Бугунги кунда эса буюк аждоқларимизнинг оламшумул ишлари ва жасоратлари хотирамизни жонлантириб, янги фуқаролик онгининг шаклланишида муҳим рол ўйнамоқда. Маданий-маънавий меросимиз ёш авлод тарбиясида, уларнинг маънавий камол топишида тарбия мактаби ва ибрат манбаи бўлиб хизмат қилмоқда.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, халқимиз маънавий тикланишининг қудратли манбаларидан яна бири шарҳона ахлоқ меъёрларидир. Ахлоқ меъёрларини эса инсон маънавиятининг кўзгуси дейиш мумкин. Қадимдан катталарни ҳурмат, кичикларни иззат қилиш, ҳамжихатлик, ўзаро ёрдамлаш, келажақ авлодлар ҳақида қайғуриш халқимиз турмуш тарзининг асосий қоидалари бўлиб келган. Булар халқимиз маънавиятининг таркибий қисмини ташкил этади. Афсуски, бу қадриятларга шўролар тузуми даврида жиддий путур етди. Хусусий мулкчиликка, тadbиркорликка қарши, ақинларни қўллашга қарши кураш баҳонасида оилалардаги, қариндош-уруғлар ичидagi касб-хунарга оид кўникма ва малакаларни йўққа чиқариш билан

моддий қадриятлардан бегоналаштиришга уриниларди бўлди.

Шахснинг камол топишида, миллатнинг, жамиятнинг тараққий этишида маънавиятнинг, миллий қадриятларнинг тутган ўрнини куйидагича изоҳлаш мумкин: маънавиятли инсонлар миллат кўрки, бундай инсонларнинг кўплиги эса жамиятда кўпчилик фуқаролар ўзларининг моддий фаровонлигини юксалтиришга интиломдаки, бу албатта ижобий ҳолат. Лекин моддий фаровонликка бўлган табиий интилиш миллатнинг маънавий юксалиши йўлига гов бўлмаслиги лозим.

**- Юртимиз истиқлолга эришган кунлардаюқ Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик жамият куриш асосий мақсад сифатида қўйилган эди. Бу борада анчагина ишлар қилинди. Мана шу жараёнда умуминсоний қадриятлар билан бирга миллий қадриятларимизнинг ўрнини ҳам**



**тўхталсангиз...**  
- Ҳозирги кунда халқимизнинг маънавий жиҳатдан уйғонишига боқий қадриятларимизнинг тикланиши билан бир қаторда ҳуқуқий демократик жамият куриш жараёнига ҳосқадриятлар - инсон ҳуқуқларига риоя этиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Деярли барча диний ва фалсафий назарияларда инсон ҳуқуқларини ҳар жиҳатдан ҳурмат қилиш лозимлиги ҳақидаги мўътабар ғоя илгари сурилган.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг илк даврида, 1991 йилнинг 30 сентябридаёқ Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясини тан олди.

Бугунги кунда жаҳон ҳамжамиятининг Ўзбекистонни ҳар жиҳатдан тан олиши, давлатимизнинг ташки сиёсий ва иқтисодий фаолияти Ўзбек халқининг маънавий қадриятлари ва имкониятларининг қайта тикланишига, жаҳондаги бошқа халқлар қаторида тенг ҳуқуқли миллат сифатида ўзлигини тўла англаб етишига катта имкониятлар бермоқда. Ўзбекистоннинг кенг миқёсдаги халқаро алқоқлари халқимизнинг дунё халқлари маданиятини янада чуқурроқ билишига, умуминсоний қадриятлардан тўлароқ баҳраманд бўлишига хизмат қилмоқда. Айни пайтда бу вазият халқимизнинг халқаро миқёсда ўз интеллектуал салоҳиятининг нечоғли юқори эканлигини кўрсатишига ҳам имкон бермоқда.

Эндиликда халқимизнинг азалий қадриятларини ҳозирда биз қураётган демократик жамият қадриятлари билан уйғунлаштириш Ўзбекистон мустақиллигини янада мустаҳкамлашининг, миллий хавфсизлигимизни таъминлашнинг мустаҳкам гарови эканлигини доим ёдда тутмоқ даркор.

**- Ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти куриш йўлини тутди. Бу мақсадга эришиш учун фуқароларнинг юксак даражадаги ҳуқуқий маданияти талаб этилади, албат-**

**та. Сизнингча, юртдошларимиз ҳуқуқий маданиятини талаб даражасида шаклланиш учун қандай йўл тутиш самаралироқ деб ҳисоблайсиз?**

- Ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий онг ўз-ўзидан, қисқа муддат ичида шаклланиб қолмайди, албатта. Айниқса, собик шўролар даври асоратларининг айрим қўришилари ҳали кўпчиликнинг онгидан буткул йўқолиб кетмаган бир даврда. Маълумки, собик тузумда оддий кишилар таъбир жоиз бўлса, ҳуқуқлардан маҳрум қилинган оломонга айлинишига оз қолган эди. Номигагина ўтказилган сайловларда ҳеч бир аҳамиятга эга бўлмасда, овоз беришда иштирок этишинингга ўзининг ҳуқуқи деб билган, эркинлик, хусусий мулкчилик каби энг муҳим ҳуқуқлардан ҳам бир пайтлар бебахра бўлган кишиларнинг ҳуқуқий онги қисқа муддат ичида шаклланиб қолиши, албатта, қийин масала. Шундай бўлсада, бугунги кунга келиб фуқароларимизнинг ҳуқуқий онги шаклланиб бормоқда, халқ ўз ҳуқуқларини таний бошлади. Бу жараёни тезлаштириш учун эса ҳуқуқ-тарғиботни кучайтириш, ҳуқуқий тарбияни авж олдириш, қолаверса ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар ходимларининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш зарур бўлади.

Президентимиз таъкидлаганидек, одамларнинг дунёқарашини ўзгартириш, янги ҳуқуқий онгни шакллантириш, ҳуқуқ нафақат мажбурийат, балки масъулият эканлигини оммага тушунтириб етказиш зарур. Айниқса, ёшлар тарбиясида ҳуқуқий тарбияни кучайтириш, уларда қонунларга нисбатан ҳурмат туйғуларини ўстириш кеңиктегириб бўлмайдиган вазифалардан биридир.

**- Суҳбатимиз ўз-ўзидан ёшлар масъулияти келиб тақалмоқда. Маълумки, 2000 йил юртбошимиз ташаббуси билан «Соғлом авлод йили» деб атади. Жисмонан соғлом, маънавий баркамол авлод тарбиясида нималарга эътибор бериш керак?**

- Умуман олганда баркамол авлод тарбияси юртимиз истиқлолининг дастлабки кунлариданюқ долзарб вазифа сифатида кўтарилган эди. Сўнгги йилларда эса бу масала давлат сиёсати даражасига кўтарилди. 2000 йилнинг «Соғлом авлод йили» деб аталиши ҳам бунинг ёрқин мисолидир.

Соғлом авлод деганда қандай авлодни тушуниш мумкин деган саволга Президент Ислоҳ Каримовнинг қуйидаги сўзлари билан муҳтасар жавоб бериш мумкин: «Соғлом авлод деганда шахсан мен энг аввало, соғлом наслин, нафақат жисмонан бақувват, шу билан бирга, руҳи, фикри соғлом, иймон эътиқоди бутун, билимли, маънавияти юксак, мард ва жасур, ватанпарвар авлодни тушунаман».

Юртимиз келажаги бўлган ёшларнинг мана шундай авлод бўлиб етишуви учун ҳар биримиздан фаоллик талаб этилади. Уларни тўғри тарбиялаш, уларга вақтида тўғри йўлни кўрсата билиш катта авлод вақилларининг масъулиятли вазифасидир. Ешларга берилаётган таълим - тарбиянинг келажақда қандай мева бериши ўзимизга боғлиқ. Уларнинг тарбиясида доим ҳушёр бўлмоғимиз, ёшларнинг тўғри йўлдан адашиб, турли хил хатарли таъсирларга берилиб кетишига йўл ҳиймаслик лозим. Бунинг учун эса ёшлар орасига кириб бориш, инсонга бир марта бериладиган ҳаётнинг қадрига етиш кераклигини улар онгига сингдириш зарур.

**Суҳбатдош: Шавкат ЁДГОРОВ, «Хукук» муҳбири**

АФСҮС!

# «ОТА, СИЗНИ СОҒИНДИК...»

Қирққа қараб бораётган, Самарқанд вилояти Пастдаргом туманида туғилган, оилали, 4 нафар шириншакар фарзандлари бўлган Қобил Раҳимов ўғил-қизларининг юқоридаги илтижоларини эшитмаганига анча йил бўлиб қолди. Негаки, унинг ёш умри мана 1996 йилдан бошлаб жазони ижро этиш муассасаларида ўтмоқда.

У ўша йили Тошкент вилоятида гиёвандлик воситаларини қонунга хилоф равишда ўтказиш, эгаллаш ва контрабанда йўли билан ташини жиноятини содир қилганликда айбланиб, суд ҳукми билан узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилганди. Мол-мулки мусодара қилинди, оиласи оса гўдақлари билан чиққиллаб қолди. Албатта ношуд ота дастидан-да!

Темир панжаралар ортида ёш умрининг 18 йилини ўтказиш фақат айтишга осон. Бу ерга тушиб қолган, бир ойлardan кейин уйдагилардан хат олди. Энди биринчи синфда ўқийтган қизи жимжимадор, йирик-йирик ҳарфлар билан «Дада, қачон келасиз, сизни соғиндик» деб ёзганди. Шуларни ўқиркан, беমেҳр отанинг кўнгида заррача ҳам тўғён, пуштонкамаридан бўлган болаларига бўлган соғинч уйғонмади.

У шунча жазо муддатидан ўзига бирон-бир хулоса қилиб олмас, муассасасида янги касб ўрганиш, тартиб-қоидалар, қолаверса қонунни ҳурмат қилиш лозимлиги ҳақида ўйлаб ҳам кўрмасди.

Муассасасида маҳкумлар томонидан жазо муддатини

ўташлик ҳам турлича бўлади. Аксарият маҳкумлар тезроқ уйга қайтиш, ёру биродарлари билан дийдор кўришиш учун интилишади, фойдали меҳнат қилишади, вақти-вақти билан қариндошлари билан учрашишади. Аммо шундайлари ҳам борки, тузалиш ўрнига қайта жиноятга қўл уришади. Бундайлар учун озод бўлиб, барча қатори эркин ва хур яшаш, оилани тебратиш ётдир. Муассасида ноқонуний, мўмай пул топиш йўлини Қобил биларди. Унинг яна аввалги «касли» кўзгаб тинчлик бермай қўйди. Дастлаб у ишлаб чиқариш корхонаси ҳудудидаги электр темир кутиси ичига 3,4 грамм микродридаги афони яшириб қўяди. Сўнг шу кунни, яъни ўтган йил 14 августда номоълум шахсдан бирварақайга 142,5 грамм бўлган елим қозғога ўралган «опий»ни олиб, уни сотиш мақсадида ўзи ётиб-турадиган хонадаги кўрпа ичига яширади. Аммо захри қотилини ўтказиш нияти барбод бўлиб, жинояти фош этилади.

Суд ҳукми билан ноқобил чиққан Қобил Раҳимов энди 19 йил давомида озодлик юзини кўрмайдиган бўлди. Ўғил-қизлари вояга етишган, бундай отанинг қўлимилари, уларни ўз ҳолига ташлаб қўйгани фарзандларда нафрат уйғотмайдими?

**Кўчор ЯВҚОЧЕВ, Навоий вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси, 1-даражали ҳуқуқшунос**

КУТИЛМАГАН УЧРАШУВ

Кўп йиллардан бери халқимизга кулгу улашиб, қаҳ-қаҳа тарқатиб юрган таниқли санъаткор Абдурахмон кизик Сиддиқовнинг бошқа кизикчилардан ажралиб турадиган жиҳатлари талайгина...

— Абдурахмон ака, кўнчилигинг айтишича, Абдурахмон расво бўлганими. Шу ростми?

— Тўғри, Бухорога бориб келиб, у ерда бўлган хангомани айтдим, расвога айландим. Бухорода кизикчиларни «расво» дейишар экан...



ДОИРАЧИДАН ЧИҚКАН КИЗИКЧИ

қачон расво бўлгансиз?» — деб қолди. Мен ҳам гапга яраша жавоб қилдим:

— Анчадан бери расвоман. Холласанг, сени ҳам расво қилиб қўяман. Беш-олти кун бирга юрсанг, расво бўласан-қўясан...

— Биланлар Абдурахмон расво дейишмаяпти, курганлар Абдурахмон актёр ҳам бўлибди, дейишляпти?

— Истеъдодли хонандамиз Баҳодир Мамажонов билан ҳамкорлик қиламан. Баҳодир ақинда «Курмаганинг кургани курсин» деган ашуласига клип иштиратти...

Мен асли доирачидан чиққан кизикчиман. Ёшликдан мусиқага, санъатга илҳомим кучли. Тошкентда ташаббусли институтини тасмоллаб, «маданиятли» ҳам бўлиб олганман...

Мухиддин ака Дарвешов репертуаридан уч-тўртта латифа айтдим. Билганим тугаб қолди. Одамлар эса даврдан чиқарилганлари йўқ...

— Шоир Аъзам Уктамнинг «Фаргонада ачинак-пиёлалар ҳам аския айтаётгандек туюлади» деган мисралари ёдимга тутиди. Ижодидан шу муҳтнинг таъсири қандай бўлган?

— Юсуфжон кизик, Охун кизик, Зайнабиддин ака, Мухиддин Дарвешов, Абдулҳай Маҳсум каби таниқли кулги даргалари етишиб чиққан Фаргона водийсида кизикчилик, аскиячилик ниҳоятда кучли, ранг-баранг эканлиги дунёга маълуму машҳур...

— Юлдаш Усмонова, Охунжон Мадалиев, Ияхон Иброҳимов, Баҳодир Мамажонов каби хонандалар ва бошқа кизикчилар билан ҳамкорликда кўп ишлар қилгансиз. Ёзувчилар, журналистлар, яъни қалам аҳли билан шерикчилигингиз қандай?

— Ҳажвчилардан таниқли ёзувчи, ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджон билан ҳамкорлик қилиб тураман. Истеъдодли ҳажвчи укамиз Саид Анвар билан ҳам икки-уч марта бирга ишладик. Лексин ҳажв-

чиларимиз нисбатан камроқ. Бунинг устига, кўпгина ёзма намуналардан фойдаланиш қийинроқ. Чунки одамлар ҳозир кам гапириб, кўп кулдиришигизни хошлашади.

Теле-радиожурналистлар, матбуот ходимлари билан алоқаларимиз, ҳарқалай ёмон эмас. Йўқлаб туришганларидан, таргитларидан хурсандимиз. «Хукук» газетасининг тез орада ўз ўрнини топиб, ўқишли нашрга айланганидан ҳам қувонамиз, албатта.

Илгари биласиз, ёстикдай-ёстикдай газеталар чиқардию, сира ўқишли бўлмади. Бир одам газета ўқишни ёмон кўрар экан. Шу одамнинг хотини бир кун бозор-Учар қилибди-да, ортиб қолган озроқ пулга «ке, шу эрим ҳам одамга ўхшаб газета ўқисин», деб газета олибди. Газетани кўрган эрининг фиғони фалакка чиқибди.

Аччигидан «хўп, атай оlib келибсан, ўқийман. Фақат овиз чиқариб ўқийман, қимир этмай ашитасан», дебди. Газетанинг номи, санасидан бошлаб ҳеч нарсани қолдирмай ўқийверибди. Иккинчи бетни тугатай деганда бечора ҳушидан кетиб қолибди. Эрининг ховлида у ёққа-бу ёққа юрганини кўрган кўшниси сўрабди: «Ҳа, ака, тинчликми?» «Э, мўрайсанми бу эси паст хотинни, менга ўқийсиз деб 4 бетлик газета олиб келибди-я. Икки бетини ўқиб берувдим, ўзидан кетиб қолди. Майли, хушига келсин, қолган 2 бетини ҳам ўқиб бераман», дермиш эр.

Хозир, ҳудода шукур, газеталаримиз шакл, мазмун жиҳатидан ҳам ранг-баранг бўлиб қолди.

— Гастролларга ҳам бориб турибсизми? Узоқроқ кетиб қолсангиз, уйдашлар соғиниб қолишмаяптими?

— Республикамиз вилоятларига бориш, кўпгина Тошкентга бориш биз учун гастрол. Фаргонанинг Риштон туманидаги Чек-Насриддин қишлоғи туғилганимдан бери таянч нуқта. Худода шукур, ота-онамиз соғ-саломат. Рафиқам Обидахон билан икки ўғул, уч қизини тарбиялаб ўстиряптиз. Бир ўғлимизни уйлаб, икки қизини турмушга бердик. Ҳозир неваралар ҳам бешта бўлиб қолди. Мен узоқроққа кетсам, йўқлигимни билдирмай туришади. Албатта, ижодий режаларимиз ҳам талайгина. Насиб этса, узоқ хориждаги ватандошларга кулгун «экспорт» қилиш мумкин. Мустақиллигимиз туфайли юртимиз доимо овод, гўзал бўлиб борапти. Ўзбекларнинг кўпими тегмадан ерлар ҳам қолмади ҳисоб. Боксчиларимиз ўзбекистон мушти қандайлигини кўрсатиб туришибди. Уйлайманки, ўзбекинг кулгуси ҳам муштан дўр бўлса, зўрки, асло кам эмас. Мухими — яхши ниятлар рўёби ҳаммамизга насиб этаверсин.

Сўхбатдош: Тўлқин РАҲИМОВ

ДАВРИМИЗ БАРЧИНОЙЛАРИ

САХОВАТЛИ «ОЙНУР»

Саховатли баҳор ўлкамиз узра яна селларини ёйди. Қўкларнинг ҳаётбахш нафаси бирор гўша ёхуд хонадонни четлаб ўтгани йўқ. Шу жумладан, республикамиз чегара ҳудуди саналувчи Томди тумани чўл ўтовларини ҳам...

Гапнинг очиги, чўлда қиш аёзи, ёзининг жазирамасига дош бериб рўзгор тебратиш ҳазилакам иш эмас. Ўзларига иш ахтариб қўшни шаҳарларга кўчиб кетаётган ёшлар ҳам топилади. Аммо ўзлари ўсиб унган тупроқни Ватан билган аҳоли отамерос чўпонлик таёгини бегона қилишни сираям истамайди.

Дарҳақиқат, чорвачиликда донг таратган Жабай оға Балименов, шунингдек Бахтлев, Айтбонор, Чектибой Сарсонбаев, Алимкул Нисанбаев сингари унлаб қаҳрамонлар ҳақида тўп эшитганмиз. Эндиликда эса давримиз Барчинойлари бўлган тадбиркор опасингилларимиз ҳам улар ишини собитқадамлик билан давом эттиришаётир.

Қолдигул опа Сулейманова бундан тўрт йил муқаддам чорвачилик фермер хўжалиги ташкил этиб, унга яхши ниятлар билан набираси «Ойнур» номини берганди. Утган давр мобайнида ниятлар мустажоб бўлиб, меҳнати самара кўрсата бошлади. Бугунги кунда «Чўл маликаси» номини олган Қолдигул опа фермер хўжалиги қарамогиди 21 от, 13 та той, 16 бош соғин сигир ва 119 бош қўй-қўзи парварийш қилинаяпти.

Савоб ишни ҳар қим қилиши керак, ҳар кун қилиш керак. Мазкур ибора бамисоли «Ойнур» аъзолари учун айтилгандай. Бирор байрам йўқки, улар кам таъминланган, ёрдамга муҳтож оилаларга саховат кўрсатмаган бўлсин. Биргина янги йил арафасида муҳтож хонадонларга 90 минг сўмлик совға-саломлар тўғфа қилинди. Туман марказидаги 21-мактаб-интернат тарбияланувчилари учун эса етарли микдорда ўқув қуроллари ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрлаб берилди. Эндиликда фермер хўжалиги ўз ошиқча маҳсулотлари ҳисобидан ён-атрофдаги болалар боғчаларига гўшт ва сут таъминотини йўлга қўйиш чораларини кўрмоқда.

Утган ёзда «Ойнур» жамоаси яна бир хайрли ишга қўл урди. Қурувчилар гуруҳининг кучи билан «Аяққудук» ширкат хўжалиги ҳудудидаги 3-ўрта мактаб биноси таъмирланиб, қисқа вақт ичида 10 миллион сўмлик иш бажарилди.

Қолдигул опани туш пайтида оила аъзолари даврасида учратдик. У юртимизда деҳқон ва фермер хўжаликларига берилаётган имтиёزلардан мамнун эканини шундай баён қилди:

— Бундай меҳнат бизни янги-янги ташаббускорликлар сари ундайди. Фаолиятимиз турларини кенгайтириш мақсадида давлатдан яна 5 миллион сўм ссуда олиш учун зарур ҳужжатларни расмийлаштирдик. Айнан туман прокурори ёрдамчиси Аҳмаджон Одидов кўмағида банкдаги ҳисобимизга тушиши лозим бўлган маблағларни тушириб олишга эришдик. Энди фақат югуриб-елиб ишлашимиз керак, холос.

Олис адир томонидан кўнгироқдек чинқирик эшитилди. Қўлимизни соябон қилиб ўша ёққа тикилаамиз. Шитоб билан чапаётган тулпор устида ўтирган йигитча ўтовга яқинлашга, жиловни тортиди. У саломлашга, отдан тушиб Қолдигул опага юзланди.

— Тезроқ бўлинг. Байир отимиз ётиб қолди! Аёл кичик ўғли хабаридан воқифдек, бизга мамнун жилмайиб қўйди.

— Қадамларингиз қутлуғ келди. Ҳойнаҳой, байир отимиз тойча-лаётганга ўхшайди.

Сур телпагини бошига бостириб олган Қолдигул опа от жилловини олиб, эгарга ўтирди.

Адир бағрида елдек учиб бораётган тулпор изидан анча муддат тикилиб турдик. Туёқлар дупури ясси қояларга урилиб, акс садо берарди. Шу тоғда минг йиллар оша қуйлаб келинган Барчиной сувратини опа тимсолида эслашга уриндим.

Истикболнинг янада нурили бўлсин, «Ойнур»!

Мансур АЛОВУДИНОВ, «Хукук» муҳбири

КРИМИНАЛ

ҚАРИ ФИРИБГАР ҚЎЛГА ТУШДИ

Москва шаҳрининг энг қари фирибгари тезкор жиноят қидирув бўлими ходимлари томонидан қўлга олинди.

Бир неча кун бурун жиноят қидирув бўлимига Галина исминли аёл фирибгарлар найранга учрагани ҳақида хабар қилган эди. Маълул бўлишича, Галина Москвадаги чорроқ қавртираси ва шаҳор атрофидаги ҳовли жойини сотиб, пулига шаҳар марказидан уч хонали квартира харид қилган ниятида юрғанида Михаил Дайнеко деган киши унга бу ишда ёрдам беришини сўтган. Ҳозир «Болсон трейдинг лимитед» фирмасининг

директори деб таништирган Дайнеко аёлнинг ишончини қозониш учун уни таъмирлаш ишлари кетаётган турар жой биноларидан бирига олиб боради. (Кейинроқ Галина билдикки, бу бино Ҳарбий академияга қарашли ётоқхона экан) «Фирма директори» ўз фирмасининг бу бинодан бир неча квартирани сотиб олганини, уларнинг арзонроқ баҳода сотилишини айтганида Галинанинг унга ишонидан бошқа чораси

қолмади. Утган гапларга лаққа тушган аёл шаҳар ташқирисидидаги ҳовли жойини 15 минг доллар сотибди. Шунинг кутиб тургандай, Дайнеко унга телефон қилади ва тезда 15 минг доллар аванс келтиришини, бўлмаса «квартира қўлдан кетишини» айтиди. Аёл пулини олиб бориб боради ва шу билан Дайнеконинг қайтиб кўрмади. Тезкор гуруҳ аъзолари картотекаларни

қидиришганда, ҳайрон қолишди. Асли украинлик Михаил Дайнеко (Ледз фамилияси билан машҳур) 70 - йиллардаёқ ўз фирибгарликлари билан донг таратган «учар» бўлиб қикди. Шуниси ажаблантирди, тажрибали фирибгар ҳалигача ўз фирибгари сценарийсини ўзгартирмай фаолият юргизмоқда экан. Ҳар қал сувдан қуруқ чиқишга ўрганиб қолган Дайнеко бу қал терговчиларга фириб беролмайди, чоғи. Чунки бу қал унга қарши унлаб алданганларнинг даъвоиси турибди.

**ТЕСТ**

**ҲАЁТДА ҶУЗ ҶРНИНГИЗНИ ҚАНДАЙ ТОПАСИЗ?**

Баъзида ҳеч кимнинг ёрдами, маслаҳатсиз ҳаёт қарорга келиш жуда ҳам муҳимдир. Бир сўз билан айтганда инсон ҳаётда ўз ўрнини топишга интилиши зарур. Сиз шундай ҳислатга эгасизми?

1. Бирор даврада сиз айтган фикрга ҳеч қим қўйилмайдиган бўлса, ўша фикрингизда тўрасизми?
  - а) Ҳа, охиригача.
  - б) Йўқ. Бошқаларга қарши туришни хоҳламайман.
  - в) Мен ҳаммаша ўзимга ўхшаб фикрлайдиганларни қидираман.
2. Ота-онангиз дала ҳовлига дам олишга кетишган. Сиз ёлғиз уйга келиб ваннахонадаги кран тешилиб, ҳаммаёқни сув босган ҳолат устидан чиқиб қолдингиз. Қандай йўл тутасиз?
  - а) Яхшиши вақтинча уйдан чиқиб кетаман.
  - б) ЖКЗГА телефон қилиб, сантехник чақираман.
  - в) Ота-онанинг қайтишини кутаман.
3. Дўстларингиз билан чанғида учиб учун сафарга отланаёсиз. Ҳар эҳтимолга қарши иссиқ кийимларингизни тайёрлаб қўясизми?
  - а) Умуман бунақа пайтда кийимларимни ойим тайёрлаб беради...
  - б) Ҳа. Узим тайёрлайман.
  - в) Ахир Шимолӣ кутбга кетма-ялғизми-ку?
4. Муносиб касб-қор ташлаш муҳим масала. Сиз қаерда ўқиш ёки ишлашни қандай хал қиласиз?
  - а) Танлангич қараги йўқ. Мен қайси ўқув юртига топширишни биламан.
  - б) Ота-онам қаерга жойлашишга ёрдам қилса...
  - в) Дўстларим, қариндошларим

5. Имтиҳонлар - жиддий масала. Шунинг учун ҳам омадга ҳаммаша ҳам ишониб бўлмайди. Сиз уларга тайёрланасизми?
  - а) Утириб шпаргалка ёзаман.
  - б) Алоҳида, йўқ. Сабаби кимдир айтиб туради ёки ёрдам қилади.
  - в) Ҳамма нарса омадга боғлиқ.
6. Ишқий роман бошладингиз. Сиз ўз суюқлигингиз тўғрисида даврангиздаларнинг фикри билан қизиқасизми?
  - а) Ҳеч қачон. Бу нарса муносабатимизга зарар етказиши мумкин.
  - б) Менга умуман фарқи йўқ.
  - в) Албатта. Ахир улар менинг дўстларим-ку.
7. Сиз бирор буюмни сотиб олмақчисиз. Бироқ дўстингиз (дўгонангиз)нинг айтишича бу аллақачон модадан қолган. Нима қиласиз?
  - а) Агар буюм менга ёқса, ҳеч ким билан ҳисоблашмайман.
  - б) Балки ростдан ҳам бу модадан қолгандир?
  - в) Бошқа биров билан маслаҳатлашаман.
8. Бирор зерикарли фильмни ўроқларингиз мақтагани учун охиригача қўрагимдингиз?
  - а) Албатта. Ахир фильмни бошқалар билан биргаликда муҳокама қилишни хоҳлайман.
  - б) Ҳеч қачон.
  - в) Аниқ бир нима дедламан.

21-33 баллгача:  
Сиз ўзингизга ишонасиз. Аммо бу атрофингиздаги одамларнинг фикрини тинглашингизга ҳалақит қилмайди. Шу билан бирга масъулиятли қарорларни ўзингиз чиқарар экансиз. Бу жуда яхши. Жавобгарлик ҳиссидан қўрқмаслигингиз кўриниб турибди. Ўз сўзингизнинг устидан чиқишга, ҳар бир қилаётган амалигингизни олдиндан ўйлаб кўришга доимо ҳаракат қиласиз.

34-48 баллгача:  
Ўзингизни бунчалик беқарор ҳис этаётганингиз, бунинг устига мустақил қадам ташлашдан қўрқаётганингиз сабаби нима? Эртами-кечми, дўстларингиз сизнинг фикрингиз билан мутлақо ҳисоблашмай қўяди. Сабаби сизда ўша оддий фикрингиз ўзи ҳам йўқ. Мустақил бўлишга ҳаракат қилинг. Шунда ҳаммаси яхши бўлади. Бунга аввало ўзингизни ишонтиринг.

**Тест натижалари**

	А	Б	В
1	0	3	6
2	6	0	3
3	3	6	0
4	6	3	0
5	0	6	3
6	0	3	0
7	3	0	6
8	6	3	0

0-18 баллгача:  
Балким, сиз ҳаддан ташқари ўзингизга ишонсангиз керак. Кимдир сизнинг ишларингизга аралашувини нафақат ёқтирмайсиз, ҳатто бошқалар фикрига эътибор ҳам қилмайсиз.  
Сиз барча қарорларингизни мусбат ёки манфий баҳолай олишингизга юз фоиз ишончингиз қомилми? Катъийан яхши аломат, аммо камтарлик - ортиқча сифатдир.

**ЭНИГА:**  
1. Соҳибқирон Амир Темур мансуб бўлган уруғ. 3. Араб тили морфологияси. 5. Қадимда туя ёки ҳўкиз қўшиб айлантирилган сув қўтарувчи иншоот. 7. Қўжон хонлигидаги олий мансаб. 13. Туркистонда чоп этилган илк маърифий журналлардан бири. 14. Озодлик учун қурашган туронлик қаҳрамон аёл. 15. Кичик ҳаж. 16. Диний таълим берувчи аёл. 18. Мактуб. 19. Қадимги Туронда шаҳар ҳокими. 20. Доиранинг яна бир номи. 22. Оғирлик ўлчови. 23. Тасаввуф илмининг йирик намоеъдаси. 26. Заҳар. 28. Подшоҳнинг шаҳар ичидаги саройи. 29. Юз минг сўзини аналглатувчи туркча сўз. 31. Чўри, югурдак. 32. Хонликларда мавжуд бўлган солиқ тури. 35. Қадимда қатл ижро этилган жой. 36. Жило, оро. 37. Садаф. 39. Афсонавий Широк мансуб бўлган қабила. 40. Истақ, хоҳиш. 42. Мўхораба. 45. Маълум касб эгаси. 46. Қурашда полвонлар ҳаракатига ҳакам томонидан бериладиган баҳо. 47. «Араб бўлмаган халқлар» маъносидаги атама. 48. Рўҳ ва жонга ишониш. 49. Қадимий Урта Осиёда шаҳар деворларининг минораси. 50. Сўғорилмай ҳосил олинадиган ер. 51. Миллий бойлигимиз. 52. Зигир толасидан тўқилган дағал мато. 53. Қўрқув хисси.

**БҮЙИГА:**  
1. Юртдошимиз, ҳадис илмининг султони. 2. Франциядаги шаҳар. 4. Ип ёки ипақдан тўқилган саллабоп мато. 6. Сарой, ҳашаматли бино. 8. Гинакудрат. 9. Хонликлардаги ҳарбий унвон. 10. Тошлардан бино қилинган сув омборининг тўғони. 11. Дунё томони. 12. Пайгамбарлардан бири. 17. Ҳазо тури. 21. Оташпарастлар синган олов. 22. Эфталитлар давлатининг пойтахти бўлган шаҳар. 24. Ўзбек халқ шоираси. 25. Математиканинг қадимий номи. 27. Амир Темурнинг суюкли невараларидан бири. 28. Илк туркча исмлардан бири. 30. Қашқадарёдаги қадимий шаҳар. 33. Рус истилочиларига қарши қурашган қаҳрамон, саркарда. 34. Араблар боқсинага қарши қўзғалон қўтарган қаҳрамон. 38. Кичик Осиёнинг тарихий номи. 39. Фалақ, осмон. 41. Ерости йўли. 43. Диний лавозим. 44. Буйруқ. 45. Халифалардан бири. 46. Хунармандчилик асбоби.

Тузувчи: **К.ИСМОИЛОВ**

**ТАБАССУМ**

**БОЗОР ТОҒАНИНГ ҲАНГОМАЛАРИ**

Бир куни, бутун умр катта лавозимларда ишлаб келган бир одам Бозор тоғага нолиб қолди.  
— Бозорбой, сизнинг болаларингиз тилло! Бизникилар гапга қулоқ осмайди. Шулар учун бутун умр «эшак»дай ишладим. «Энди узларингиз кунларингизни кўр», десам пинакларини бузишмайди. Устимга миниб олишган булар. Билмадим, ҳалигача мени нима деб ўйлашади?  
Шунда Бозор тоға жилмайиб:  
— Ҳалиям «эшак» деб ўйлашса керак-да, — деди.

Бир куни тиш оғриғи ҳақида гап кетиб, жамоа ҳўжалигида омбор мудири бўлиб ишлайдиган киши шундай деди:  
— Отам: тушган тиши сиқонинг инига ташланглар, кейинги янги чиққан тишларинг сиқонниқидай ўткир бўлади, дегандилар. Отамнинг ўғитларига риоя қилган эдик, мана, тишларимиз ҳалигача бақувват.  
Шунда Бозор тоға жиддий қиёфада:  
— Агар отангиз шу ишни қилмаганларида, омборга мудар бўлмасдингиз, — деди.

Бир куни Бозор тоға иморат қуриш учун ёрдам жамоа ҳўжалиги раҳбарига мурожаат қилди. Раҳбар Бозор тоғадан сўради:  
— Ёғоч борми?  
— Бор, — деди Бозор тоға пинагини бузмай.  
— Гишт-чи?  
— Бор!  
— Цемент-чи?  
— Бор!  
— Тахта-чи?  
— Бор!  
— Миҳ-чи?  
— Бор!  
— Нега унда иморатни бошламайсиз?  
Шунда Бозор тоға мўғомбизга қулиб:  
— Сиз айтган нарсаларнинг ҳаммаси бор, лекин шу нарсаларни сотиб олиш учун пул йўқ, — деди.

Бир куни Бозор тоға хотини билан гўжиллашиб қолди. Бир гапдан қолай, деб Бозор тоға кўчага чиқиб кетди. Оқшом чўкиб, уйига қайтаркан, хотинининг жаҳли тушган-тушмаганлигини билиш учун дарвозани тақиллатиб, ўзининг отини айтиб чақирди.  
— Бозорбой, хой, Бозорбой!..  
Хотини эрининг овозидан таниб:  
— Улганлар! Ким сўрапти? — деди.  
Шунда Бозор тоға:  
— Улган одамга мени кимлигим нимага керак, — деди.

Илҳом ЗОЙИР



Булажак ҳуқуқшунослар — Бухоро Давлат Университети ҳузурлидаги академик лицей «Хуқук» гуруҳи ўқувчилари

**ЎЛАБРОҚКАР**

Ҳурматли Баҳодир Деҳқонов!  
Сизни 24 апрель таваллуд айёмингиз билан бутун жамоа номидан муборак атаemis.

Республика ҳарбий прокуратураси жамоаси  
\*\*\*  
Азизам Ҳаётхон!  
Таваллуд кунинг муборак бўлисин. Аввало фарзандларимизнинг, қолаверса менинг бахтимга узоқ-умр кўриб, соғ-саломат юришингизни яратгандан сўраб қоламан.  
Абдугуфур Тошкент шахри  
\*\*\*

Ҳурматли Қарим Азимов!  
Сизни 22 апрель таваллуд айёмингиз билан бутун жамоа номидан муборакбод эматemis.

Республика ҳарбий прокуратураси жамоаси.  
\*\*\*  
Ҳурматли онажонимиз Эгамбердиева Хонсулуе!  
Сизни туғилган кунингиз билан табриклаймиз. Сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилаймиз. Ҳаммаша баҳор гулларидай очилиб юринг.

Қизларингиз Хуснора, Дилбар.  
\*\*\*  
Ҳурматли Дурдонахон!  
Сени туғилган кунинг билан табриклайман. Соғ-саломат бўлишингни тилаб

холонг Мунира  
\*\*\*  
Ҳурматли Дилбар хола!  
Сизни туғилган кунингиз билан табриклаймиз. Доимо соғ-саломат бўлинг.  
Дилором ва Ортиқбек.

**9 - САҲИФА**

Одамлар бир-бирларини даромадларига қараб баҳолай бошлаганларидан кейингина камбағалик айб саналадиган бўлиб қолди.

**КРОССВОРА**

1	2	3	4	5	6	7	8	9
		10		11		12		
	13		14			15		
16	17	18			19		20	21
	22		23	24	25		26	27
					29	30		
33		31		32				34
		35			36			
		37	38			39		
40	41	42	43	44	45		46	
	47		48			49		
50		51		52		53		

Ўтган сонда берилган кроссворд жавоблари:  
Бўйига: 1.Маслак. 2.Аймок. 4.Қамок. 5.Нейлон. 7.Роҳила. 8.Атаман. 10.Қалава. 15.Умра. 16.Удум. 18.Унитар. 20.Миксер. 21.«СААБ». 22.Гард. 24.Тут. 25.Рул. 27.Ампула. 28.«Икарус». 30.Қабила. 31.Шабада. 32.Анқара. 33.Аллоҳ. 34.Авлод.  
Энига: 1.Машраб. 3.Ўқилон. 6.Ярд. 8.Армо. 9.СМАК. 11.Лат. 12.Ақл. 13.Қизирқ. 14.Абдугуфуров. 17.Кун. 19.Амр. 21.Страсбург. 23.Бутерброд. 16.Яра. 28.Ирк. 29.«Мустақиллик». 33.Алабаба. 35.Бол. 36.«Уфқ». 37.Алла. 38.Уул. 39.Най. 40.Аслаха. 41.Одесса.